

ХАЛҚИМИЗ ҲАМЖИҲАТЛИКДА БУЮК ИШЛАРГА ҚОДИР



Бу йилги пандемия келтирган қийин вазиятда ҳам мамлакатимиздаги бунёдкорлик ишлари асло тўхтаб қолмади. Халқимизнинг ҳаёт сифатини ошириш, узоғини яқин қилишга қаратилган улкан лойиҳалар бирин-кетин фойдаланишга топширилмоқда.

Жорий йил Мустақиллик байрами арафасида Тошкент ер усти метросининг биринчи босқичи битказилган эди. Бугунги шукуҳли кунларда унинг яна бир муҳим бўғини — Сергели йўналиши ишга туширилди.

Президент Шавкат Мирзиёев 26 декабрь куни ушбу транспорт объектини бориб кўрди. Шу ерда давлат ва жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан дилдан мулоқот бўлди.

— Бу йил иқтисодиёт учун, одамларимиз учун қийинчиликлар кўп бўлди, ҳозир ҳам давом этяпти. Лекин шу мураккаб ҳолатларни илҳом борица юмшатиш бўйича ҳар куни бамаслаҳат ишляпмиз. Иқтисодиётни ривожлантириш, бозор топиш, одамларга даромад манбаи яратиш йўллари изляпмиз. Ҳамма масалалар маҳаллабай ҳал қилинади. Нимага? Яхшимиз ҳам, ёмонимиз ҳам маҳаллада, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бозорларда нарх-наво барқарорлигини таъминлаш, энергия қувватларини қўлайтириш бўйича қўрилаётган чоралар айтиб ўтилди.

— Оммавий ахборот воситалари раҳмат. Улар давлатимизга душман эмас, дўст. Улар баланд овозда адолатни, ҳақиқатни айтиб турмаса, раҳбарларнинг дарров оёғи ердан узилиб қолади. Халқимиз, уйинга эски тўнингни илиб қўйиб, кимлигини унутма, деганидек, ҳамма раҳбарлар шу элнинг фарзанди, вакили эканини доим ёдда тутиши керак. Юртимиздаги тинчликнинг қадрига етиб, халқимизга муносиб шароит яратишимиз зарур, — деди Президент.

Давлатимиз раҳбари жамоатчилик вакиллари билан бирга поездда юриб, йўловчилар учун яратилган шароитларни кўздан кечирди.

Дунёнинг мегаполис шаҳрига айланиб бораётган Тошкент Марказий Осиёнинг ҳудуди ва аҳоли сони бўйича энг катта шаҳри ҳисобланади. Бугунги кунда пойтахтимизда уч миллионга яқин аҳоли истиқомат қилмоқда. Ҳар йили юз минглаб аҳоли мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан пойтахтимизга келиб-ке-тади, қўшни давлатлар ва узоқ хориж юртидан ҳам меҳмонлар ташриф буюради.

Бу эса ўз-ўзидан шахримиз транспорт тизимини ривожлантириш, аҳоли учун қўлай, хавфсиз ва тезкор жамоат транспортини шакллантиришни тақозо этапти. Сўнгги йилларда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан Тошкент шаҳрида аҳоли учун жамоат транспортини кескин ривожлантириш ва халқаро талабларга мос транспорт тизимини яратишга катта аҳамият қаратилмоқда. Айниқса, ер ости ва ер усти метрополитени йўналишига алоҳида эътибор берилмоқда.

Сергели ер усти метро йўналишини лойиҳалаштириш 2017 йилда бошланган эди. Қурилишнинг бориши давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида бўлди.

Узунлиги 7 километрлик мазкур темир йўлда бешта бекат барпо этилган. Метрополитеннинг “Олмазор” бекати билан оралиқда 580 метрлик туннель қурилиб, ер усти ва ер ости йўллари боғланган.

Бекатлар миллий дизайн асосида пардозланган, замонавий технологиялар, электрон тўловли турникетлар, эскалатор ва лифтлар билан жиҳозланган. Бу йўналишда 214 нафар ходим

йўловчиларга хизмат кўрсатади.

Ушбу йўналишда кунига 35 мингтача одам қатнаши мумкин. Шу боис у ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий, ҳам экологик жиҳатдан улкан аҳамиятга эга. Масалан, Сергели туманини пойтахтимиз маркази билан боғловчи автомобиль йўли аксар ҳолларда тирбанд бўлади. Оқибатда ёқилги сарфи ортиб, атмосферага катта миқдорда зарарли газлар чиқади. Одамлар манзилига кечикиб, асабийлашади. Янги ер усти метроси эса аҳолига жуда катта қўлайлик яратади.

Охири бекатда ушбу Сергели йўналишини қўйлик йўналиши билан боғлаш, ер усти метросининг кейинги босқичларини қуриш бўйича тақдимот ўтказилди.

— Илгари Сергелига метро келишини биров тасаввур қилганимиди?! Мана, энди халқимизга катта қўлайлик пайдо бўлди. Яна бир томони, бу экологик тоза транспорт. Кейинги метро йўллари ҳам аҳолига маъқул, қўлай, хавфсиз, сифатли қилиб қуриш, хориж тажрибасини ўрганиш керак, — деди давлатимиз раҳбари.

▶ Давоми 2-бетда

Қарор ва ижро

СУВ ТЕЖОВЧИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР: ИМКОНИЯТ, ИМТИЁЗ ВА САМАРА

Мамлакатимизда сув етишмовчилиги билан боғлиқ вазият йилдан-йилга тобора мураккаб тус оляпти. Буни юртимизда охириги ўн йилда сув ресурслари ҳажми 12 фоиз, жорий йилда ўтган йилдагига нисбатан 15 фоиз камайгани ҳам тасдиқлайди.

Сув ҳўжалиги соҳасидан чиққан мутахассис сифатида шуни ишонч билан айтаманки, ҳозирги шароитда сув етишмовчилиги муаммосини бартараф этиш учун энг маъқул чора пахта ва бошқоқидон экинлари майдонлари, боғдорчилик ҳўжаликлари, полиз ва сабзавот маҳсулотлари етиштирилаётган майдонларга сув тежовчи замонавий технологияларни жадаллик билан жорий этишдир.

Бугунги кунга келиб республикаимизда суғориладиган ерларнинг 7 фоизидан, яъни 284 минг гектар майдонда сув тежовчи технологиялар қўлланилмоқда. Шундан томчилатиб суғориш майдони 114 минг гектарни, ёмғирлатиб суғориш 3 минг гектарни, дискрет (пульсар) суғориш 4 минг гектарни ҳамда эгилувчан қувурлар ёрдамида суғориш 163 минг гектарни ташкил этади.

2020 йилнинг ўзидан сув тежовчи технологиялар 133 минг гектар майдонда жорий қилинган бўлиб, аввалги йилларга нисбатан икки баробар ошган. Бунинг натижасида эса 350 миллион кубометрдан зиёд сувни тежашга эришилди.

Бу борада, айниқса, Жиззах, Фарғона ва Самарқанд вилоятларида юқори натижаларга эришилди. Мисол учун, Жиззах вилоятида 9 минг 655 гектар майдонда сувни тежайдиган технологиялар жорий этилди. Шундан 6 минг 772 гектарини томчилатиб, 783 гектарини ёмғирлатиб, 2 минг 100 гектарини дискрет (пульсар) суғориш тизими ташкил этади. Фарғона вилоятида 4 минг 13 гектарда томчилатиб, 214 гектарда ёмғирлатиб, 2 минг 33 гектарда дискрет суғориш тизими, Самарқанд вилоятида 5 минг 540 гектарда томчилатиб, 120

гектарда ёмғирлатиб суғориш технологиялари жорий қилинди.

Шу ўринда бир жиҳатга эътибор қаратиш ўринли: пахта хомашёси етиштиришда томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилган фермер ҳўжаликлари ва кластер ташкилотлари томонидан минерал ўғитлар 40 фоиз, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари 35 фоиз иқтисод қилиниши билан бир қаторда ҳосилдорлик ўртача 15–20 центнер ошган.

Давлатимиз раҳбари 2020 йил 11 декабрда имзолаган “Қишлоқ ҳўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада жадал ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан бу борада янги имтиёзлар белгиланди.

▶ Давоми 3-бетда

Ўз тажрибамдан келиб чиқиб, сизларга айтадиган маслаҳатим шу: Илмни қадрланг, илмга интилинг! Бир сония вақтингиз ҳам бекор ўтмасин! Ёшлик — умрнинг энг бебаҳо даври. Илм ва билим — ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган, ҳеч ким сиздан тортиб ололмайдиган бойлик эканини асло унутманг!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ёшлар фикри

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ОВОЗИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев пойтахтимиздаги “Хумо арена” саройида ташкил қилинган Ўзбекистон ёшлари форумига ташриф буюриб, мамлакатимизда биринчи бор ўтказилаётган ушбу анжуман билан барчани табриклади. Ёшлар — мамлакатнинг стратегик кучи, улар бугуннинг умиди ва келажакнинг эгалари, миллатнинг “олтин фонди”. Давлатимиз раҳбарининг янги Ўзбекистоннинг янги овози — ёшлар билан учрашуви, очик мулоқотда билдирилган таклифлар ва илгари сурилган ташаббуслар навқирон авлодга катта мотивация бағишлади.

▶ Давоми 2-бетда

“Янги Ўзбекистон” учун махсус

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИ ВА РИВОЖЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАЙДИГАН БЕБАҲО КАПИТАЛ

Ўзбекистон Президентининг 25 декабрь куни бўлиб ўтган Ёшлар форумидаги иштироки ва нутқи халқаро жамоатчилик вакиллари томонидан катта қизиқиш билан ўрганилмоқда. Халқаро экспертларнинг бу ҳақдаги фикрларини ҳавола этамиз.

▶ Давоми 2-бетда

Ахборот технологиялари



“РАҚАМЛИ ЎЗБЕКИСТОН – 2030”

СТРАТЕГИЯСИ ДОИРАСИДА 400 ДАН Ортиқ АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ, ЭЛЕКТРОН ХИЗМАТЛАР ВА БОШҚА ДАСТУРИЙ МАҲСУЛОТЛАР АВТОМАТИК РАВИШДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

Дунёнинг кўплаб мамлакат ва минтақаларига тарқалган COVID-19 пандемияси глобал иқтисодиётга жиддий таъсир кўрсатди: айрим йирик саноат корхоналари ва кичик бизнес ташкилотлари ўз фаолиятини вақтинча тўхтатишга, кўплаб ходимлар масофадан ишлашга, мактаблар ва университетлар онлайн таълимга ўтишга мажбур бўлди.

Рақамлаштириш жараёни анча аввал бошланган мамлакатларда пандемия рақамли иқтисодиёт, рақамли технологиялар ва электрон тижоратни ривожлантиришни, етказиб бериш хизматлари ва логистикани модернизация қилишни жадаллаштирди. Ривожланаётган мамлакатларда ҳам пандемия рақамлаштиришга бўлган эҳтиёж ва талабни оширди, ушбу жараёнларни тезлаштирди ҳамда янги шароитларга мослашишни тақозо қилди.

Ўзбекистонда барча саноат тармоқларини фаол равишда рақамлаштириш жараёни йўлга қўйилган. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ахборот хизмати берган маълумотларга кўра, жорий йилда мамлакатда интернетдан фойдаланувчилар сони 22 миллион, шу

жумладан, мобиль интернет фойдаланувчилари 19 миллион нафарга етган. Давлат статистика қўмитаси 2020 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, мобиль алоқа тизимига уланган абонентлар сони 24 миллион 824,3 мингтага етганини, бу 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 6,9 фоизга ёки 1 миллион 598,1 мингтага ўсганини қайд этди. 2019 йилда иш билан банд бўлган аҳоли орасида ахборот технологиялари бўйича мутахассисларнинг улуши 0,5 фоизни ташкил этган бўлиб, ушбу кўрсаткич Европа Иттифоқи мамлакатлари (3,7 фоиз) ўртача кўрсаткичидан қарийб етти баравар паст. Шу боис, Ўзбекистонда ахборот технологиялари бўйича мутахассисларга талаб тез ўсиб бормоқда.

▶ Давоми 4-бетда

ХАЛҚИМИЗ ҲАМЖИҲАТЛИКДА БУЮК ИШЛАРГА ҚОДИР

Бошланиши 1-бетда

Умумий қиймати 82,66 миллион АҚШ доллари бўлган ушбу лойиҳа “Боштранслонийҳа” акциядорлик жамияти мутахассислари томонидан тайёрланган. Мавжуд бекатларнинг кириш ва чиқиш ҳудудлари ўзига хос ранг-баранг меъморчилик асосида барпо этилган. Айниқса, перрон қисмига ишлатилган қурилиш маҳсулотлари кўриниши, ранги ва тури бўйича бир-бирини такрорламайди. Йўловчилар учун ҳам катта қулайликлар яратилган. Хусусан, имконияти чекланганлар учун бекатлар платформасида хавфсиз тактил плиткalar ётқизилган.

Йўловчиларнинг платформаларга кўтарилиши учун замонавий лифт ва эскалатор, хавфсизлиқни таъминлаш мақсадида эса бекатларга замонавий видеокузатув ускуналари, IT русумдаги турникетлар ҳамда электр энергиясини тежайдиган ёритиш чиқроқлари ўрнатилган. Шунингдек, мобил алоқа ускуналари учун қувватлагичлар ҳам бор. Ҳар бир бекат 12 тагача

хорижда ишлаб чиқарилган замонавий иситиш ва совутишга мўлжалланган кондиционерлар билан жиҳозланган.

Мутахассислар фикрича, бугунги кунда шахримиз жамоат транспортдан бор-йўғи 33 фоиз йўловчи фойдаланмоқда. Ривожланган мамлакатлар пойтахтида эса бу кўрсаткич 60-70 фоизни ташкил этади. Пойтахтимизда аҳоли ҳам, транспорт воситалари ҳам кун сайин кўпайиб бормоқда. Охириги 10 йилда шаҳарда автомобиллар сони 250 мингтадан 510 мингтага, яъни 2 бараварга ошган. Шунга мос равишда жорий йил фойдаланишга топширилган Тошкент метрополитенининг Юнусобод йўналишида 2 та бекат ҳамда ер усти халқа йўлининг биринчи босқичи ишга туширилгани натижасида жамоат транспортда 56 та йўналиш мақбуллаштирилиб, 170 минг аҳолининг транспорт хизмати янада яхшиланди, уларнинг транспортга кетадиган вақти ҳам ўртача 15-20 дақиқага қисқарди.

Янги очилган Сергели ер усти метроси Сергели ва Янги ҳаёт туманларида истикомат қилаётган аҳоли учун жуда катта қулайлик бўлади. Мазкур туманларда транспорт инфратузилмасини янада яхшилашга имкон яратилади.

— Болалигим Сергели туманида ўтган. Ҳозир ҳам ушбу тумандаги кўп қаватли уйларнинг бирида, яъни Сергели метросининг 2-3-бекатлари оралиғида истикомат қиламан, — дейди Дилафруз Қорабоева. — Энди шаҳар марказидаги иш жойимга шахсий машинамда эмас,

метрода қатнайман. Чунки ҳар куни эрталаб соат 07:00 дан 09:30 гача, кечга яқин эса соат 16:00 дан 20:00 гача автомобиль йўллари жуда тирбанд бўлади. Айни шу вақтда ишга бориб-келишимга тўғри келади. Баъзида ноқулай об-ҳаво ҳукм сурса, ҳаракатланиш янада қийинлашади. Натижада ҳар куни 2-3 соат вақтим йўлга сарф бўляпти.

Албатта, Сергели ва Янги ҳаёт туманларида ҳам аҳоли сони кун сайин ортиб бормоқда. Шу боис шаҳар маркази билан боғланган автомобиль йўлларида кун сайин тирбандлик ортиб борапти. Ушбу туманлар аҳолисини қулай ва хавфсиз транспорт тизими билан таъминлашни эса даврнинг ўзи тақозо этаётган эди.

Ҳисоб-китобларга кўра, Сергели янги метро йўналишининг 5-бекатидан йўлга чиққан йўловчи “Буюк ипак йўли” бекатига ўртача 30-40 дақиқада етиб бориши мумкин. Бунинг учун метро поезди 16 та бекатни босиб ўтади. Бошқа транспортда эса тирбандлик пайтида бир соатдан кўп вақт кетади.

Яна бир қулайлик жиҳати Сергели йўналишида ҳаракатланган поезд Чилонзор йўналишининг “Олмазор” бекати орқали “Пахтакор” бекатидан Ўзбекистон йўналишининг “Алишер Навоий”, “Амир Темур хиёбони”

бекатидан эса Юнусобод йўналишининг “Юнус Ражабий” бекати билан боғланади. Натижада ушбу йўналиш Тошкент метрополитенининг барча йўналишлари билан боғланиб, йўловчиларга шахримизнинг истаган ҳудудига етиб бора олишига имкон яратади.

Пойтахтимизда аҳоли зич яшайдиган Қорақамиш, Ибн Сино, Тошкент трактор заводи мавзелирида жамоат транспорти тизимини яхшилаш, автобус йўналишларини мувофиқлаштириш бўйича топшириқлар берилди.

Ер усти метроси тағидати спорт майдончаси ҳам кўздан кечирилди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Сергели тумани Қипчоқ кўчасида қурилган кўприки бориб кўрди.

Мазкур кўча “Тошкент-Ангрен” темир йўли билан кесишган. Бунинг устига тор бўлиб, автомобиллар ҳаракатига қийинчилик туғдирарди. Шу боис Қипчоқ кўчаси 8 қаторли қилиб кенгайтирилиб, темир йўл устидан ўтувчи 772 метрлик кўприк барпо этилди. Унинг эстакада қисми 445, эни — 28 метр.

Давлатимиз раҳбари объектнинг сифати, шаҳарда транспорт тизимини яхшилашдаги аҳамиятига алоҳида эътибор қаратди.



Ушбу кўприк соатига 12 мингтагача автотранспорт воситаларини узлуксиз ўтказиш имкониятига эга. Энг муҳими, у пойтахтимиздаги иккита йирик кўча — Янги Сергели айланма йўли билан Тошкент халқа йўлини боғлайди. Бу ҳайдовчилар учун анча қулайлик яратади, минглаб транспорт воситалари оқимини ўзига олиб, бошқа кўчалардаги тирбандлиқни камайтиради.

— Пандемия бошланганда биз ундан кучли, қудратли бўлиб чиқамиз деб мақсад қўйган эдик, — деди Шавкат Мирзиёев тошкентлик фаоллар билан суҳбатда. — Ҳаммамиз кўряпмиз дунёда нималар бўлаётганини. Бошқа мамлакатларда қурилишлар тўхтаб қолган ҳолатлар ҳам бўлди. Халқимиз тартиб-интизом, бирдамлик билан барча режаларини рўёбга чиқармоқда. Биз ҳам жиҳатликда кўп нарсаларга қодирмиз.

Президентимиз жорий йил 4 июнь куни Тошкент шаҳрининг Чўпонота кўчаси ва Кичик халқа йўли кесишмасида қуриладиган кўприк лойиҳаси билан танишган эди. Келгусида янги йўл барпо этилиб, Қипчоқ кўчасидаги мазкур кўприкка туташади.

Шу ерда Туркиянинг “Kalyon” компанияси билан ҳамкорликда пойтахтимиздаги автомобиль йўллари реконструкция қилиш, транспорт ва йўловчилар ҳаракати учун қулайликларни ошириш лойиҳалари муҳокама қилинди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Абдулазиз МУСАЕВ,
ЎЗА мухбирлари



Ёшлар фикри

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ОВОЗИ

Бошланиши 1-бетда

Омадбек ОЛИМЖОНОВ,
Андижон давлат университети
жисмоний маданият йўналиши
2-босқич магистранти:

— Президентимиз жуда катта ишонч билан олдимизда спорт соҳасида қувонарли янгилик тургани, яъни 2025 йилда мамлакатимиз ёшлар ўртасида Осиё ўйинларига мезбонлик қилишини айтди. Бундай нуфузли мусобақаларнинг Ўзбекистонда ўтказилиши ёшларимизга ҳар томонлама куч-қувват бағишлаши аниқ. Давлатимиз раҳбари айтганидек, ана шу мусобақада энг кўп медаллар ўзимизнинг йигит-қизларимизга насиб этиши учун тайёргарликни ҳозирдан бошлашимиз лозим. Бу борада малакали мураббийлар, спорт усталарининг бой тажриба ва улкан салоҳиятига таянамиз, албатта. Айни пайтда улар спорт мактаблари, таълим муассасаларидаги тўғрақларда спортимизнинг минг-минглаб умидли вакиллари тарбиялантиллар. Улар орасидан қанча-қанча чемпионлар етишиб чиқади.

Шунингдек, имтиёзли тарзда олий ўқув юртларига қабул қилинаётган спортчи ёшларимиздан ҳам умидимиз катта. Улар мамлакатимиз байроғини жаҳон ареналарида баланд кўтариб келишган ва насиб қилса, 2025 йилда бундан-да баландроқ кўтаришга қодир бўлишади. Зеро, биз ота-боболари курашларда кураги ерга тегмаган полвонлар, моҳир саркардалар авлодларимиз. Ҳеч нарса юртни спорт каби тезда дунёга машҳур қила олмаслигини яхши биламиз. Шу маънода 2025 йилда бўлиб ўтадиган мусобақада юрагимизда ватанга бўлган чексиз муҳаббатимиз билан юртимиз шарафни учун майдонларга тушишимиз керак.

Исломбек ҚУТФИДДИНОВ,
Наманган шаҳридаги “Imron textile group”
корхонаси директори, “Yoshlar – kelajagimiz”
жамғармаси Наманган вилояти бўлими раҳбари,
“Шухрат” медали соҳиби:

— Давлатимиз раҳбари бизга йўллаган мурожаатида коронавирус пандемияси даврида ёшлар “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракатида фаол қатнашганини алоҳида таъкидлади. Ҳа, синовли 2020 йил ортда қолмоқда. Карантиннинг ваҳимали кунларида Президентимиз ва вилоятимиз раҳбарлари билан елкама-елка туриб, кам таъминланган, молиявий қийналган одамлар учун саховат кўрсатишда ўрнатилган бўлишга интилдик. Эҳтиёжманд оилалар ҳолидан доимо хабар олишда имкон қадар хайрия ишларимиз билан иштирок этдик.

Уша таҳликали дамларда ўзим ҳам тадбиркор сифатида 50 хонадонни оталиққа олдим. “Биз бепарво эмасмиз, биз меҳр улашамиз!” дея кунларни тунарларга уладик. Шўқри, мана, юзими ёруғ бўлди, биз барчасини ҳам-жиҳатликда, бир-биримизга оқибат кўрсатиб, қўллаб-қувватлаб енгяпмиз!

2011 йилдан бери трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариладиган хусусий корхонани бошқариб келаман. Корхонада 100 нафар-

дан зиёд хотин-қиз меҳнат билан банд. Маҳсулотларимиз Россия, Украина, Қозғоғистон ва Озарбайжонга экспорт қилинмоқда.

Истиқлол тенгдошиман, ўз йўналишимизда қўллаб-қувватларга эришдим. Тенгқурларимиз, тадбиркорлик ва кичик бизнесни бошламоқчи бўлган укаларимни, сингилларимни “Yoshlar – kelajagimiz” жамғармаси орқали уларга мақсадли ва имтиёзли кредитлар ажратиб, лойиҳаларини тайёрлаш, ривожлантириш ва амалга ошириш, тажрибаларини орттириш учун қўллаб-қувватлашга бор куч-ғайратимни, имкониятимни сафарбар этаман.

“Янги Ўзбекистон” учун махсус

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИ ВА РИВОЖЛАНИШНИ ТАЪМИНЛАЙДИГАН БЕБАҲО КАПИТАЛ

Бошланиши 1-бетда



Роланд Монаш,
“Афлотун Интернэшнл”
халқаро нодавлат
ташкilotи бош
ижрочи директори
(Нидерландия):

— Ўзбекистон аҳолининг умумий сонидаги ёшларнинг улуши бўйича дунёдаги энг ёш давлатлардан бири бўлиб, мамлакатда ёш авлод вакилларига замонавий таълим бериш ва уларни қўллаб-қувватлаш масалаларига катта эътибор берилаётгани табиийдир. Болалар ва ёшлар масалалари билан шуғулланадиган халқаро тузилмалардаги кўп йиллик тажрибадан биламанки, Ўзбекистон ёшлари мамлакат тараққиёти ва ривожланишини таъминлайдиган бебаҳо капитал эканини жуда яхши англайди. Давлат ёш авлоднинг саломатлиги, таълим олиши, фаровонлигини таъминлаш, жисмоний ва маънавий ривожланишига сармоя киритишга катта эътибор қаратмоқда.

Шу маънода, Ўзбекистонда сўнги йилларда ушбу йўналишда олиб борилаётган ишлар хурмат ва эътирофга лойиқдир. Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан мамлакатда ёшларни қўллаб-қувватлашнинг яхлит ва самарали тизимини яратиш жараёни жадал давом этмоқда. Энг эътиборлиси шундаки, бу иш билан катта авлод вакиллари эмас, балки мавжуд муаммоларни мукамал биладиган ва уларни ҳал қилишнинг энг мақбул йўллари тақлиф қила оладиган, йигит-қизларга етакчилик қилаётган фаол ёшлар шуғулланмоқда.

Болалар ва ёшлар масалалари билан шуғулланадиган етакчи халқаро ташкилотлар ва тузилмалар билан ҳамкорлик қилишда катта тажрибага эга бўлган “Афлотун Интернэшнл” ташкилоти ўз билим ва тажрибасини ўзбекистонлик тенгдошлари билан баҳам қўришдан мамнун бўлади. Бу ўзбек ёшларининг ўз истеъдодларини кенгайтириш ва халқаро майдонда янада рақобатбардош бўлишига ёрдам беради.



Ким Санг Чхоль,
Ханкук чет тиллар
университети
Марказий Осиё
тадқиқотлари
институтини профессори,
фалсафа фанлари
доктори:

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг 25 декабрь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон ёшлари форумидаги нутқини катта қизиқиш билан ўқиб чикдим. Яқинда мамлакатингизда глобал бирдамлик ва ёшлар ҳуқуқларини ривожлантиришга бағишланган халқаро форум ташкил этилганини ҳам яхши эслайман.

Ёшлар салоҳиятини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, масалан, ёшлар кичик саноат зоналари, касб-хунарга ўқитиш ва қоворкинг марказлари барпо этиш, иқтидорли талабаларни моддий рағбатлантириш каби изчил тадбирлар келажақда ўз самарасини беради.

Менимча, Ўзбекистон Президентининг ёшларни рағбатлантириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ташаббуслари ноёб ва бутун дунё учун долзарбдир. Бугунги кунда қўллаб-қувватлаш, шу жумладан Корея Республикаси, ғоялар ва тақлифларни амалга ошириш учун тўлиқ шароитлар яратишда муаммоларга дуч келмоқда. Шиддат билан ривожланаётган дунёда ёшлар кўп жиҳатдан катта авлод вакилларида ўзиб кетмоқда. Баъзида биз ўзгаришлар ва ривожланишнинг янги йўналишлари асосчиси ва ташаббускор бўлган ёшлар салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб имкониятларни тақдим эта олмапмиз.

Ўзбекистон Президенти 2017 йил БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқишни тақлиф қилди. Ушандан бери Ўзбекистон раҳбарияти ёш авлодни қўллаб-қувватлаш зарурлигига содиқ қолмоқда. Буларнинг барчаси ёш авлодни барқарор ривожлантиришга қаратилган тизимли сиёсатнинг тасдиғидир.

Ўзбекистон ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган фаол сиёсат самарасида мамлакатда бошланган кенг қўлмли ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишда катта ютуқларга эришишига ишончли комил.

“Дунё” АА



Қарор ва ижро



СУВ ТЕЖОВЧИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР: ИМКОНИЯТ, ИМТИЁЗ ВА САМАРА

Бошланиши 1-бетда



Равшан МАМУТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси Аграр ва сув
хўжалиги масалалари
қўмитаси раиси

Мазкур қарор келгуси йилда сув тежовчи технологияларни қўллаш қўлами ва сифати янада ортишига мустақкам замин яратяди, албатта.

Олдимизда турган 2021 йилда 160 минг гектар пахта, 30 минг гектар боғ, 15 минг гектар ток ва 5 минг гектар бошқа экинлар етиштирилаётган майдонларда томчилатиб, 14 минг гектар донли, 2 минг гектар сабзавот ва полиз ҳамда 2 минг гектар озуқабоп экинлар экиладиган ерларга эса ёмғирлатиб сугориш технологиялари жорий этилиши белгиланди. Дискретли сугориш тизими орқали 600 гектар пахта майдони обиҳаёт билан таъминланади.

Мамлакатимизда икки йил олдин сув тежовчи сугориш технологиялари жихозлари ва бутловчи қисмларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган бор-йўли 5 та корхона фаолият кўрсатган бўлса, айни пайтга келиб улар сони 3 барабар ортиди. 2021 йилда яна 7 та корхона ишга туширилиб, жами йиллик ишлаб чиқариш қуввати 200 минг гектар ерни таъминлашга етказилади.



Қарорда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, республикамизнинг барча ҳудудларида сув тежовчи технологиялар бўйича хусусий ёки давлат-хусусий шериклик шартлари асосида сервис ва дилерлик марказлари ташкил этилади. Олдинги йилларда томчилатиб сугориш технологияси жорий қилинган майдонларда фойдаланилган бир йиллик томизгичли шлангларни утилизация қилиш мақсадида кичик корхоналар ва цехлар фаолияти йўлга қўйилади.

Янги технологияларга жалб қилинган хорижий ва маҳаллий кредит маблағларини ўз вақтида қайтариш мақсадида уларнинг биринчи навбатда, инфратузилма объектлари мавжуд бўлган ҳудудларда жорий этилишига эътибор қаратилади. Шу пайтга қадар сув тежовчи замонавий технологияларга сарфланган харажатларни қоплаш учун ажратилаётган субсидия микдори тизим жорий қилинаётган ернинг бонитет бадиан келиб чиқиб белгиланар эди. Амалдаги тартиб янги ўзлаштирилаётган ерларда самара бермагани сабабли ундан воз кечилди.

2021 йилдан бошлаб субсидия микдори сув тежовчи тизимнинг сифатидан келиб чиққан ҳолда ажратилади. Томчилатиб сугориш технологияси жорий этилган ҳар бир гектар майдон учун пахтага 8 миллион сўм, сабзавот экинлари ва картошкага 1,5 миллион, полиз экинларига 1,3 миллион, мевали дарактларга 6 миллион, узумга 8 миллион сўмдан субсидия берилади. Агар фермер томонидан сифатли тизим жорий қилинса, гектари 11 миллион сўмгача субсидия олиши мумкин.

Шунингдек, кенг қамровли сугориш, “Спринклер” ва дискретли сугориш тизимлари учун ҳам субсидиялар белгиланган. Пахта, бошоқли дон, сабзавот ва картошка, полиз, озуқабоп, мойли ва доривор экинлар майдонини лазерли ускуналар ёрдамида текислаш учун 1 миллион сўмдан субсидия берилади.

Шунингдек, кенг қамровли сугориш, “Спринклер” ва дискретли сугориш тизимлари учун ҳам субсидиялар белгиланган. Пахта, бошоқли дон, сабзавот ва картошка, полиз, озуқабоп, мойли ва доривор экинлар майдонини лазерли ускуналар ёрдамида текислаш учун 1 миллион сўмдан субсидия берилади.

Шунингдек, кенг қамровли сугориш, “Спринклер” ва дискретли сугориш тизимлари учун ҳам субсидиялар белгиланган. Пахта, бошоқли дон, сабзавот ва картошка, полиз, озуқабоп, мойли ва доривор экинлар майдонини лазерли ускуналар ёрдамида текислаш учун 1 миллион сўмдан субсидия берилади.

2021 йилда сув тежовчи технологиялар жорий этилишини жадаллаштириш орқали ҳудудларда миллиардлаб сўм бюджет маблағларининг иқтисод қилинишига, мамлакатимизда тобора долзарб аҳамият касб этаётган сув танқислиги муаммосининг салмоқли даражада ҳал этилишига, энг муҳими, юртимиз экин майдонларида ҳосилдорлиқнинг ошишига эришилади.

Янгиликлардан бири шундаки, сув тежовчи сугориш технологияларининг сифатлилик даражасини белгилловчи коэффицентлар ҳам қўлланилади. Мисол учун, томчилатиб сугориш тизимларини оладиган бўлсак, ҳовуз-тиндиргичлар бетон ёки темир-бетон қопламали бўлганда субсидия базавий ҳисоблаш микдорига нисбатан 8, геомембрана қопламали бўлганда 5, бир мавсумли плёнка билан қопланганда 2, тупроқ ўзанти бўлганда 1 микдорда бўлади.

Шунингдек, насос станцияси, филтрлаш қурилмаси, магистрал ва тарқатувчи қуурлар, томизгичли сугориш шланглари, тизимнинг автоматлаштирилган бошқаруви, сув ҳисоблагичлар учун ускуналарнинг сифати баҳоланиб, тегишли тартибда субсидиялар берилади.

Яна бир жиҳатни айтиб ўтиш керак: қарор доирасида ажратилаётган барча субсидия маблағлари жорий қилинган технологиялар камида беш йил ишлатилиши шарт билан берилиши қатъий белгиланган бўлади. Бундан кейин бундай технологиялар татбиқ қилинган ер майдонлари камида 5 йил мобайнида мақбуллаштирилмайди, ер участкаси ёки унинг бир қисми давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши ёрдан фойдаланувчи розилиги асосида сарф этилган маблағларнинг бозор қиймати ва етказилган зарарининг ўрни тулиқ қопланганда сўнггина рухсат этилади.

Қарорда белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш натижасида республика бўйича экин майдонларида сув тежовчи технологияларнинг жорий этилиши кўрсаткичи 12 фоизга етказилади.

Насослар ёрдамида сугориладиган майдонларда қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш учун кўп микдорда электр энергияси сарфланади. Натижада сувни етказиб бериш харажатлари ҳам шунга яраша юқори бўлади. Республика-миз бўйича 2,5 миллион гектар майдон-ни сугориш учун 5 мингдан зиёд насос ишлатилиб, йилга 8 миллиард киловатт соат энергия ва 2,4 триллион сўм бюджет маблағлари сарфланади. Бир гектар майдонга сувни насослар орқали етказиб бериш учун бюджетдан ўртача 800 минг сўм харажат қилинади. Этаблал сугориш оқибатида йилга қарийб 5-6 миллиард куб метр ёки 20 фоиз сув далада беҳуда сарфланади.

2021 йилда сув тежовчи технологиялар жорий этилишини жадаллаштириш орқали ҳудудларда миллиардлаб сўм бюджет маблағларининг иқтисод қилинишига, мамлакатимизда тобора долзарб аҳамият касб этаётган сув танқислиги муаммосининг салмоқли даражада ҳал этилишига, энг муҳими, юртимиз экин майдонларида ҳосилдорлиқнинг ошишига эришилади.

Янги ёндашувлар

Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Самарқанд вилояти Булунгур туманида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, йўл бўйи инфратузилмасини яхшилаш, аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, белгиланган дастурларни амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Пировадидда туман иқтисодиёти барқарор ривожланмоқда. Очик, юзма-юз мулоқотлар эса давлат органларининг фуқаролар билан ўзаро муносабатларига янгилаш шакл ва мазмун бағишлаб, халқ олдида ҳисобдорлик ҳиссини оширди.

Бунда “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” тамойили дастуриямал вазифасини ўтаётгани ҳам бежиз эмас. Чунки мақсад битта — аҳолига муносиб турмуш шароити яратиш, ҳаёт даражасини яхшилаш.

Одамларнинг таклиф ва мулоҳазаларини эшитиш, муаммоларини ўрганиш ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги кенг қўламли ислохотларга дахлдорлик ҳиссини кучайтиради, эртанги кунга бўлган ишонччи мустаҳкамлайди.

Булунгур туманидаги Бўстон қишлоғи аҳолиси бир неча йиллардан буён йўл, ичимлик сув, электр энергияси, тадбиркорлик борасида қатор муаммолар билан тўқнаш келаётган эди. Яқинда туман ҳокими ва Халқ қабулхонаси мутасаддилари бу муаммоларни ўрганиб, ҳал қилишди. Қолаверса, туман ҳокими ва сектор раҳбарлари аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича қатор лойиҳаларни таклиф қилди.

Бугун ёшлар муаммоларини тинглаш, уларга ихобий ечим топиш муҳим масалалар сирасига киради. Шу мақсадда

туманда мунтазам ўтказиб келинаётган “Ҳоким ва ёшлар” учрашуви ҳам ўз самарасини бермоқда. “Булунгур” маҳалласидаги 23-умумтаълим мактабига ўтказилган навбатдаги учрашувда ҳам 69 нафар йигит-қизнинг мунозааралари тинланди. Уларнинг аксарияти уй-жой, кредит масалалари билан боғлиқ эди. Уй-жойга эҳтиёжмандлар рўйхати шакллантирилди. Тижорат банкларига эса тадбиркорлик ва ўз бизнесини йўлга қўйиш истагида бўлган ёшлар учун тез кунларда кредит ажратиш чораларини кўриш вазифаси топширилди.

— Пандемия шароитида иқтисодиёт тармоқларини, шу жумладан, тадбиркорлик субъектларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш, фаолиятини вақтинча тўхтатган корхоналарни тўлиқ тиклаш, бюджетга тушумлар микдорини кўпайтириш, бу орқали ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича сектор раҳбарлари ва бошқа мутасадди ташкилотлар билан бир қатор ишлар амалга оширилди, — дейди Булунгур тумани ҳокими Баҳодир Баҳромов. — Бу жараён-да жиддий муаммоларга ҳам дуч келдик.

Туманда январь-август ойларида 173 миллиард 102 миллион сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш белгиланган бўлса-да, пандемия таъсири натижасида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан бу режа 71,9 фоиз бажарилди.

Мамлакатимизда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун бизнеснинг ушбу шакли билан шуғулланаётганларга қўллаб-имтиёз ҳамда имкониятлар яратиб берилмоқда. Шу мақсадда тижорат банклари томонидан 2020 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган ижтимоий дастурлар бўйича 870 лойиҳага жами 22 миллиард 516 миллион сўм имтиёзли кредитлар ажратилди.

Бугунги кунгача “Темир дафтар”даги 2 мингдан ортиқ фуқаронинг бандлиги таъминланди. Натижада турмуш шароити яхшиланиши инобатга олиниб, 1200 га яқин оила “Темир дафтар”дан чиқарилди. Айни пайтда “Темир дафтар”да қолаётган 972 оилани тизимли равишда қўллаб-қувватлаш, ижтимоий аҳолини яхшилаш чоралари қўрилмоқда.

Туманда “Аёллар дафтари” ҳам шакллантирилмоқда. Унга ижтимоий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлашга, билим ва касб ўрганишга эҳтиёжи бўлган хотин-қизлар киритилаяпти. Ана шу мақсадда 25 мингдан ортиқ хотин-қизнинг ижтимоий аҳоли ўрганилди ва зарур қўмак кўрсатилмоқда.

Шунингдек, иш топа олмай қийналаётган, ўз бизнесини йўлга қўйишда муаммага учраётган ёки касбга ўқишга қизиқиши бор ёшлар учун “Ёшлар дафтари” юритилаяпти. Ўрганишлар жараёнида туман бўйича 4 минг 200 нафар йигит-қиз бу дафтарга киритилиши таклиф этилди. Уларнинг ҳар бири билан тизимли ишлаш йўлга қўйилмоқда. Тез кунларда ёшларнинг қизиқиши, қобилияти, қўнималаридан келиб чиқиб манзилли “Йўл харитаси” ишлаб чиқилади.

Жорий йилда туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида 35,8 миллиард сўм инвестиция киритилиши ҳисобига 15 та лойиҳа ишга туширилди. Жумладан, “Ҳазрат бобо” фермер хўжалиги негизда қурилишда ишлатиладиган майда тош, “Универсал Мароқанд Пласт” МЧЖда



пластик қуурлар ҳамда пакетлар ишлаб чиқариш цехлари иш бошлади. “Медикал Наҳот” МЧЖ ва “Стоматология” хусусий фирмаси эса диагностика, стоматология каби хизматлари йўлга қўйди, “Express trade holding” МЧЖ томонидан музлаткичи омборхона қурилди, “Амирбек Шаҳбоз Паранда” МЧЖ паррандачилик лойиҳасини ишга туширди. Пировадидда 100 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

Муқобил энергетика

ЮРТИМИЗ ҚУЁШИДАН ҚУВВАТ ОЛГАН СТАНЦИЯЛАР

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЭНГ АРЗОН НАРХДА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ИШЛАБ ЧИҚАРАДИ



Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Яқинда Ўзбекистон, Жаҳон банки, Бирлашган Араб Амирлигининг “Masdar компанияси (БАА) ва Осие тараққиёт банки мамлакатимизда 100 МВт. қувватга эга илк қуёш электр станциясини молиялаштириш бўйича кредит ва сугурта шартномаларини имзолади. Навоийдан 35 километр узоқликда жойлашадиган станция 2021 йилдан бошлаб миллий электр тармоқларига электр қувватини етказиб беради.

Ватанимизни қуёшли диёр, офтоб сийлаган юрт, дея ардоқлаймиз. Маҳия-миз ҳам “Серқуёш, хур улқам...” деган ҳароратли мисралар билан бошланади. Буларнинг бари ҳеч бир шойрона мубо-лаға бўлмай, жуғрофий, иқлим жиҳатдан бизни Яратганнинг ўзи сийлаганининг ифодаси. Зеро, актинометрик станция-лар тармоғининг кўп йиллик қузутувлари юртимиз йилнинг 300-320 кунни қуёш саҳоватидан тўла баҳра олишини, тур-ли ҳудудларда йилга 2400 дан 3090 соатгача ёғду таратиб туришини, унинг қуввати йилга 525-760 миллиард кВт/соатгача етишини кўрсатади.

Президентимизнинг 2019 йил 22 августдаги қарорига асосан, юртимизда 2030 йилга бориб қайта тикланадиган энергия манбаларининг электр қува-ти ишлаб чиқариши умумий ҳажмидаги улуши 25 фоизга етказилиши белгилан- берилган. Ҳозирги пайтда бу кўрсаткич 10-12 фоизни ташкил этади. Белгилан- ган муддатда қўзланган натижага эри- шиш учун эса Энергетика вазирлиги қайта тикланадиган энергия манбалари- га боғлиқ йирик лойиҳаларни амал- ётга татбиқ этиш чораларини кўрмоқда. Уларга мувофиқ, ўн йил ичиде умумий қуввати 5000 МВт. бўлган қуёш ва 3000 МВт.га тенг шамоил электр станциялари- ни қуриш режалаштирилган.

Вазирлик томонидан Жаҳон бан- ки, Осие тараққиёт банки (ОТБ) ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) билан қўлаб-қувватлашга, билим ва касб ўрганишга эҳтиёжи бўлган хотин-қиз- лар киритилаяпти. Ана шу мақсадда 25 мингдан ортиқ хотин-қизнинг ижтимоий аҳоли ўрганилди ва зарур қўмак кўрсатил- моқда.

Жорий йилда туманни ижтимоий-иқ- тисодий ривожлантириш дастури доираси- да 35,8 миллиард сўм инвестиция кирити- лиши ҳисобига 15 та лойиҳа ишга туширил- ди. Жумладан, “Ҳазрат бобо” фермер хўжа- лиги негизда қурилишда ишлатиладиган май- да тош, “Универсал Мароқанд Пласт” МЧЖда



учун тендер эълон қилинган эди. Унда қатнашиш учун 84 та компания ва кон- сорциум ариза топширди. Энергетика вазирлиги матбуот хизматининг маъ- лум қилишича, улар орасидан 15 та инвесторни аниқлаб олиш учун қатор босқичлар ўтказилди ва бу жараён 3 декабрь куни якунланди.

2021 йил апрель ойида таклифлар сўрови ва қийматга оид энг яхши таклиф натижалари бўйича қолиб эъ- лон қилиниши кутилмоқда. Лойиҳа келишувлари имзолангач, 2022 йилга режалаштирилган электр станцияси қу- рилиши бошланади.

Энергетика вазирлиги жорий йил- нинг 1 февралда Шеробод туманида Осие тараққиёт банки кўмағида фото- электрик станция қад ростлаши бўйича дастлабки лойиҳа ишга туширилганини маълум қилди. Бу лойиҳа ҳукуматимиз томонидан ушбу банк ҳамкорлигида ишлаб чиқилган 1 ГВт. қуёш энергияси ҳосил қилиш дастурининг бир қисми- дир. Айни пайтда 11 та халқаро компа- ния қурилиш (лойиҳа) учун инвестор танлаш бўйича ўз таклифларини тақ- дим этмоқда. Лойиҳага бионон, камида 200 МВт. ўзгарувчан ток қувватига эга қуёш электр станцияси, шу жумладан, янги 220 кВт. қуучилишли подстанция ва “Сурхон – 500 кВт” подстанциясига уланishi учун жами узунлиги 25 кило- метрлик электр узатиш тармоғи тор- тилиди.

Мамлакатимиз қайта тикланадиган энергия манбалари лойиҳаларида қат- нашиш бўйича яхши шартларни таклиф қилган йирик компаниялар билан бево- сита музокараларни фаол давом эттир- моқда. Масалан, “Total Eren” (Франция) компанияси томонидан Самарқанд вилоятининг Нуробод туманида фо- тоэлектрик станция тикланади. Жами қуввати 100 МВт.ли бу иншоотни барпо этиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида- ги битим ўтган йили кузда имзоланган. Президентимизнинг 2018 йил октябрь ойида Францияга расмий ташрифи чоғи эришилган келишув ва тегишли қарор ушбу лойиҳа учун ҳуқуқий асос вазифа- сини ўтади.

Мазкур танловлар инвесторлар- да Ўзбекистонда қайта тикланадиган энергия манбаларига доир лойиҳалар- ни амалга оширишга қизиқиш кучай- ганидан далолат беради. Энг муҳими, кейинги вақтларда танлов иштирокчи- ларининг географик қамров доираси кенгайди, улар сафига Европа компа- ниялари ҳам қўшилди. Экспертлар фик- рича, бу, ўз навбатида, қуёш нуридан ҳосил қилинадиган электр қувватлари нархининг пасайишига ҳам хизмат қи- лади.

Ўзбекистон муқобил ва қайта тикла- нувчи энергия манбалари бўйича улкан салоҳиятга эга. Юртимиз ҳудудида ту- шадиган ва ҳосил бўладиган қуёш қува- ти микдори бўйича назарий ҳисоб-ки- тоблирига қўра, 6 750 миллион тонна муқобил энергияни ташкил этади. Бу анъанавий мавжуд қайта тикланмайдиган ресурслар захирасига нисбатан уч барабар кўпдир.

Халқ билан мулоқот



моқда, — дейди Президентнинг Олот туманидаги Халқ қабулхонаси мудир Саъдулло Уринов. — Яъни, мурожаатлар асосида жорий йил давомида “Олот-тумангаз” газ таъминоти бўлими томонидан қўшимча 193 та хонадон табиий газ тармоғига улаб берилди. Шунингдек, 2020-2021 йил куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш дастури доирасида 291 та газ тақсимлаш пунктлари, 7 километр газ қувурлари ҳолати текширилди, 17,1 километр газ қувурлари бўялди ва 21 километр газ қувурлари ҳаво босими ёрдамида тозаланди. Аҳоли хонадонларига суюлтирилган газ баллонларини ўз вақтида етказиб бериш учун 5 та махсус автомашина ажратилган.

Шуни таъкидлаш лозимки, туман электр таъминоти корхонаси томонидан 2020 йил давомида 183,4 километр электр тармоқлари линиялари ҳамда 44 та трансформатор пунктида таъмирлаш ишлари олиб борилди.

“Ганчи Чандир” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Комил Норовнинг яшаб турган кўчасидаги электр тармоқларини таъмирлашда амалий ёрдам сураб қилган мурожаати туман электр таъминоти корхонаси томонидан жойида ўрганилди ва аниқланган камчиликлар бартараф қилинди.

— Кечки пайт маҳалламиз кўчаси қоронғу бўлгани учун юришга қийналардик, — дейди Комил ака. — Бироқ кундалик таъмишлар билан кимдир автоулодада, кимдир пиеда бўлса-да юришга тўри келади. Айниқса, ёшлар, хотин-қизлар бундай пайтда кўчада бўлса то уйга келгунларича хавотир олиб юрак ҳовучлаб ўтирардик. Халқ қабулхонасига қилган мурожаатимиз асосида кўчамиздаги электр тармоғи таъмирланди. Бу билан нафақат кўчамиз ёруғлиги таъминланди, балки кунора ўчиб турадиган хонадонларимизга ҳам қайтадан нур киргандек бўлди.

Бундан ташқари, куз-қиш мавсумини беталафот ўтказиш мақсадида Олот туман кўмир омборига жами 2629 тонна кўмир маҳсулотлари келтирилди. Шундан 2017,3 тоннаси ижтимоий объектлар ва аҳолига тарқатилди. Шунингдек, “Темир дафтар” руҳиятига киритилган 150 та хонадонга 16,3 тонна кўмир ва 127 тонна кўмир брикети бепул етказиб берилди.

— Бу йил куз-қиш мавсуми совуқроқ келгани учун уйни иситишга қийналаётган эдик, — дейди “Ўзбекистон” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Шоҳида Буржоева. — Ўзимиз ўтин ёки кўмир сотиб олайлик десак, имкониятимиз етмаяпти. Шу боис, Халқ қабулхонасига мурожаат қилдик. Жайратки, бизни ўйлантириб турган масала жуда тез фурсатда ҳал этилди.

Хулоса қилиб айтганда, Президент Халқ қабулхонаси аҳоли муаммоларини жойида, тез ва самарали ҳал қилиб бераётгани ҳудудларда йиллар давомида йиғилиб қолган муаммоларни аниқлаш ва бартараф этилишида муҳим омил бўлмоқда.

Сайёр қабуллар

ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА МУАММОЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛМОҚДА

Маълумки, Президентимиз ташаббуси билан жойлардаги раҳбар ва мутасаддиларнинг аҳоли мурожаатларини тинглаш ва ҳал этиш бўйича масъулияти оширилиб, давлат бошқаруви органлари, ҳукуқий идоралар, ижтимоий-иқтисодий соҳалар бошлиқлари томонидан жойларда сайёр қабуллар ташкил қилинапти.

Орифжон Жўраев, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Энди фуқаролар ўзларини қийнаётган муаммолар юзасидан давлат идораларига бормай, аксинча, давлат идоралари раҳбарлари ҳудудларда аҳолининг аризаларини ўрганмоқда ҳамда шикоятчиларга амалий ёрдам кўрсатмоқда.

Наманган вилояти халқ таълими бошқармаси ташаббуси билан Учкўрғон туманидаги 30-умумтаълим мактабида жисмоний ва юридик шахслар учун таълим соҳасидаги муаммоларни бартараф этиш, фуқароларнинг мурожаатларини ўрганиш ва ҳал қилиш мақсадида сайёр қабул ташкил этилди. Унда вилоят халқ таълими бошқармаси ҳамда Учкўрғон тумани халқ таълими бўлими масъул ходимлари, мактаб директорлари иштирок этиб, аҳолидан тушган аризаларни жойида ўрганиш ва ҳал этиш чоралари кўрилди.

Мурожаатларнинг аксарияти таълим-тарбия, мактабдаги қулайликларни кенгайтириш билан боғлиқ эканлиги эътиборни тортади. Мисол учун, “Янгиер” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Дипрабо Шоабдуллаева 30-умумтаълим мактабида кучи узайтирилган гуруҳлар фаолиятини тиклаш масаласи бўйича мурожаат қилди. Мазкур сўров бўйича фуқаро Д.Шоабдуллаевага ҳозирги пандемия шароити туфайли бошланғич синф ўқувчиларининг асосий дарслардан сўнг кунни узайтирилган гуруҳларда машғулотлари давом эттириши мақсадга мувофиқ эканлиги, бу вазият уларнинг саломатлигини сақлаш билан бевосита боғлиқлиги тушунтирилди.

Шу маҳаллада яшовчи Нодира Ортикова эса мазкур таълим муассасасида ўқувчилар учун пазандачилик тўғрисида очиш бўйича таклиф билдирди. Унинг сўрови мутасаддиларда қизиқиш уйғотди ҳамда пандемия талаблари юмшатилиши билан ёшлар учун фойдали бўлган бундай тўғарақлар фаолиятини ташкил этишга рухсат берилиши учун чора-тадбирлар белгиланиши маълум қилинди.

— Мен Қайки қишлоғида жойлашган 8-умумтаълим мактаби директо-

ри лавозимида ишлайман, — дейди Муҳаммадсоли Адашев. — Таълим масканимизда 1490 нафар ўқувчи бор. 784 ўринга мўлжалланган мактабимизда ўқувчилар сони меъёридан икки баробар ортиқлиги боис ўқишни икки сменада ташкил этишдан ташқари, меҳнат таълими хонаси, хатто ошхона биносидан ҳам ўқув хоналари сифатида фойдаланишга мажбур бўляпмиз. Бундай вазият таълим-тарбия жараёнига салбий таъсир кўрсатмаслиги учун масалани кечиктирмай ҳал этиш зарур. Янги мактаб қурилиши кейинги йил Давлат дастурига киритилган бўлишига қарамай, мен қўшимча бино қурилишини жадаллаштириш мақсадида сайёр қабул жараёнида шу муаммони яна кўтардим.

Тумандаги 37-умумтаълим мактаби раҳбари Мухаббат Турсунованинг мактаб биноси эскирганлиги ҳамда қўшимча бино кераклиги юзасидан таълим муассасасини келгуси йил дастурига киритиш бўйича мурожаати мутасаддилар томонидан тингланди ва бунга ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, қурилиш лойиҳаларини пухта ўрганиш ва юқори ташкилотларга тақдим этиш чоралари қўрилиши айтилди.

“Қурама” маҳалла фуқаролар йиғинидаги 17-умумтаълим мактаби директори Манзура Қамбарованинг мактаб ҳудудини панжара билан ўрашга доир аризаси қўшимча вақт талаб этадиган мурожаатлар сирасига киритилиб, инobatта олинди.

“Янгиер” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи икки фарзанднинг онаси Одина Болтабеванинг мурожаатига кўра, унга 30-умумтаълим мактабидан 0,5 штат бېлири бўйича фаррошлик хизмати таклиф этилди. Худди шу маҳаллада истиқомат қилувчи Абдулазиз Муллажонов эса мурожаатига асосан мазкур таълим муассасасига боғбон бўлиб ишга жойлаштирилди.

Умуман олганда, сайёр қабулда бир кунда фуқаролардан жами 13 та мурожаат тушиб, шундан 2 таси жойида ҳал этилди. Қолганлари қўшимча вақт талаб этилгани боис ўрганиладиган бўлди.

КЎЧАМИЗГА ЁРУҒЛИК, УЙИМИЗГА НУР КИРДИ

Гулсум ШОДИЕВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Мамлакатимизда халқ билан мулоқот қилиш, уларнинг қонуний талаблари, сўров ва таклифларини амалга оширишда Президент Халқ қабулхоналари муҳим роль ўйнамоқда. Чунки мазкур идоранинг амалий кўмаги билан кўплаб ҳамюртларимиз ўзларини қийнаб келаяётган турли муаммоларга ечим топмоқда. Айниқса, мурожаатлар тегишли ташкилотлар томонидан ўз вақтида қонуний ва адолатли ҳал этилаётгани фуқароларимизнинг ҳаётдан рози бўлиб, эртанги кунга ишонч ҳисси билан яшашларида асосий омил бўляпти.

Бугун фуқаролар учун барча давлат идораларининг эшиклари очик. Раҳбарлар одамларнинг мурожаатларини сокин кабинетларида эмас, балки ижтимоий жараёнлар кечаётган паллада, жойига бориб ўрганапти. Мутасаддиларнинг аҳоли ўй-фикрлари билан қизиқиши, дарду ташвишларини эшитиши, уларни қийнаб келаяётган муаммоларини ўрганиши ўша ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни тезроқ аниқлаш ва ҳал этиш имкониятини бермоқда.

Президентнинг Олот туманидаги Халқ қабулхонаси Фавкулподда вазиятлар вазирлиги туман бўлими билан ҳамкорликда ҳудуднинг ижтимоий соҳалар объектларидаги муаммолар ва уларнинг куз-қиш мавсумига тайёргарлик ҳолатини ўрганиб чиқди.

Натижада тумандаги 135 та ижтимоий ва бошқа объектлардан 127 тасида муаммолар борлиги аниқланди. Булар бинолардаги иссиқлик тизими қозонлари, эшик ва дераза ромлари таъмирта-

лаблigni, ёнғин хавфсизлиги қалқонида бирламчи ўт ўчириш воситалари етарли даражада эмаслиги каби масалалардир. Шу боис, қисқа муддатда уларнинг ечимига доир чоралар кўрилиб, бугунгача 192 таси бартараф қилинди.

Ўрганишларда “Қиртай” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган 19-умумтаълим мактаби биносидagi иссиқлик тизими қозонлари таъмирталаб ҳолга келганлиги аниқланган эди. Ҳозирда бу иш учун маҳаллий бюджетдан 50 миллион сўм маблағ ажратилиб, мактабдаги қозонлар алмаштирилди.

Шунингдек, “Ўзбекистон” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги оилавий поликлиникада ҳам иссиқлик тизими қозони ўта таъмирталаб ҳолга келиб қолганлиги аниқланиб, туман тиббиёт бирлашмасига муаммони бартараф қилиш юзасидан тавсиялар берилган эди. Ўрганишлардан сўнг поликлиникада ҳам янги қозон ўрнатилиб, иссиқлик тизимидаги носозлик таъмирланди.

“Халқобод” маҳалла фуқаролар

йиғинининг Янгиобод ва Нурафшон кўчаларидаги 19 та кўп қаватли уйлар 1975-1980 йилларда қурилган бўлиб, 2019 йилда уларнинг фасад ва том қисми, кириш йўлаклари, тунги ёриткичлар, болалар майдончалари, пиедалар йўлаклари таъмирланган. Қолаверса, икки йўллар асфальтланган ва обод масканга айлантирилган. Шунга қарамайдан, бу уйлардаги хонадонларда бир неча йиллардан буён иссиқлик тизими ва канализация мавжуд эмаслиги, апрель ойида юз берган табиий талафот натижасида тунги чироқлар ва умумфойдаланиш хожатхоналари таъмирталаб ҳолга келиб қолганлиги аниқланди. Мутасаддилар томонидан мавжуд муаммолар жойида ечим топиб, Уй-жой мулкдорлари ширкати маблағлари ҳисобидан таъмирлаб берилди.

Аҳоли хонадонларининг куз-қиш мавсумига тайёргарлик ҳолатини ўрганиш мақсадида туман бўйича 38 та ишчи гуруҳ ташкил этилган, унга 266 та ходим жалб қилинган. Айни пайтда ишчи гуруҳ томонидан жами 19042 та хонадоннинг куз-қиш мавсумига тайёргарлик ҳолати ўрганилиб, 2394 та хонадонда муаммолар борлиги аниқланди ва жойида ҳал этилди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, аҳоли томонидан кўплаб эътирозларга сабаб бўлаётган электр ва газ таъминотидаги муаммолар юзасидан туман Халқ қабулхонасига 2020 йилнинг ўтган даврида 300 дан ортиқ мурожаат келиб тушган.

— 2020 йил 1 январь ҳолатига кўра, 4996 та хонадон табиий газ тармоғига уланган бўлса, 1 декабрь ҳолатида бу кўрсаткич 5189 тани ташкил қил-

рали фойдаланилмоқда. Пандемияга қарши курашиш учун Хитой ҳукумати сўнгги ахборот технологиялари ва дастурий маҳсулотларни фаол ишга туширди. Хусусан, қисқа фурсат ичида коронавирус сабаб бўлган пневмонияни аниқлашда ёрдам берадиган сунъий интеллект ёрдамида тиббий тасвирларни миқдорий таҳлил қилиш усули ишлаб чиқилди. Сунъий интеллект тизими иситмаси юқори бўлган ёки тиббий никоҳсиз одамларни аниқлашда ҳам ёрдам бермоқда. Шунингдек, фойдаланувчининг сўнгги 14 кун ичида бу инфекцияни юктирган ёки унинг ташувчиси билан яқин алоқада бўлганлиги ҳамда коронавирус инфекциясининг аломатлари мавжудлигини аниқлайдиган мобил дастур ишга туширилди. Бундан ташқари, кўчаларда пакул назорати ҳамда дезинфекция ишларини бажарувчи роботлар, озик-овқат ва дори-дармонларни етказиб берувчи дронлар ҳамда антисептик воситалар билан хизмат кўрсатувчи қурилмалар фаолияти йўлга қўйилди.

Қурилган тезкор ва комплекс чора-тадбирлар натижасида Хитой ҳукумати мамлакатда коронавирус инфекцияси тарқалишини назоратга олди ҳамда ижтимоий-иқтисодий барқарорлиқни таъминлаб, тиббиёт ва саноатнинг турли соҳаларида ривожланишни жадаллаштиришга эришди.

Мутахассисларнинг фикрича, Хитойнинг коронавирус инфекциясини жиловлash бўйича чора-тадбирлари — биринчи касалланиш ҳолатини аниқлашдан бошлаб, “нормал” турмуш тарзини тиклашга бўлган ҳаракатлари мисли қурилмаган ҳолат бўлди. Мазкур жараёнларда рақамли бизнес моделлари ва янги технологиялар Хитой муваффақиятида муҳим роль ўйнаган ва ўйнамоқда.

Глобал пандемия таъсирида тез сўрьатларда ўзгариб бораётган вазиятда кўплаб мамлакатлар рақамли технологияларни ривожлан-

тиришга, айниқса, сунъий интеллектдан фаол фойдаланишга ўтмоқда. Шу сабабли айрим мамлакатларда ақли шаҳарларни яратиш ҳукуматининг ўзини рақамлаштиришдан, сўнгра ҳаётнинг бошқа соҳаларига ахборот узатишининг рақамли шаклига ўтиш дастурлари ва ташаббусларидан бошланган. Масалан, Буюк Британия, Дания ва Сингапурда бизнес жамоат ва давлат идораларининг ўзаро алоқалари жараёнининг деярли 98 фоизи онлайн хизматлар, мобил дастурлар ва инновацион дастурлар воситида таъминланган.

Мамлакатимизда ҳам бу борада, айниқса, сўнгги йилларда катта қадамлар қўйилди. Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 5 октябрдаги фармони билан мамлакатнинг “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегияси ва уни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланди. 2021 йил 1 августдан бошлаб ушбу ҳужжатга биноан барча давлат мажбурий тўловлари, шу жумладан, божлар, йиғимлар ва жарималар онлайн тарзда амалга оширилади. “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг турли йўналишларида 400 дан ортиқ ахборот тизимлари, электрон хизматлар ва бошқа дастурий маҳсулотлар автоматик равишда амалга оширилади.

Стратегияда, шунингдек, телекоммуникация соҳаси, давлат хизматларини кўрсатиш, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқлари, соғлиқни сақлаш, давлат кадастри ва бошқа соҳаларда рақамли технологияларни кенг жорий этиш, бу борада “Рақамли Ўзбекистон — 2030” дастурини тасдиқлаш, электрон ҳукуматнинг техник инфратузилмасини такомиллаштириш, инсон капиталини ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, давлат хизматларини рақамли шаклга трансформация қилиш ва ахборот экотизимини ривожлантириш каби мақсад-вазифалар

белгиланган. Бундан ташқари, давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очкилиги ва шаффофлигини, аҳолининг электрон иштироки даражасини ошириш, ахборот хавфсизлиги, ахборот ресурслари ва тизимларининг ҳимоясини шакллантириш, рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукумат соҳасида ягона ваколатли органи белгилаш, ҳукумат, вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида раҳбарнинг рақамли технологиялар ва электрон ҳукумат масалалари бўйича ўринбосари лавозимини жорий этиш каби масалалар назарда тутилган.

“Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегиясини амалга ошириш ва янада такомиллаштириш, биринчи навбатда, давлат органлари ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ўзаро ҳамкорликда инновацион гоьлар, технологиялар ва бизнесни жорий этиш учун мустаҳкам ва мукамал ташкилий-ҳуқуқий базани шакллантиришга ёрдам беради.

Иккинчидан, рақамли технологиялар ва дастурий таъминотлар бўйича мутахассисларнинг янги авлоди шаклланади, “Бир миллион дастурчи” ташаббуси ахборот технологиялари соҳасидаги талабаларнинг инновацион лойиҳаларини фаол рағбатлантиради.

Учинчидан, Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни фаол ривожлантириш, турли тармоқ ва соҳалар, хусусан, давлат бошқаруви, таълим, соғлиқни сақлаш ва қишлоқ ҳўжалигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш ахборотлаштириш ва рақамлаштириш жараёнларини янги босқичга олиб чиқади.

Мухтасар айтганда, глобал пандемия шароитида рақамли иқтисодиёт ва рақамли технологиялар ривожини барча инновацион ечимларнинг катализатори бўлиб хизмат қилади, ахборот технологиялари миллат ва давлат раънақини улкан имконият яратди.

Ахборот технологиялари



СТРАТЕГИЯСИ ДОИРАСИДА 400 ДАН ОРТИҚ АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ, ЭЛЕКТРОН ХИЗМАТЛАР ВА БОШҚА ДАСТУРИЙ МАҲСУЛОТЛАР АВТОМАТИК РАВИШДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

Бошланиши 1-бетда



Шавкат АЛИМБЕКОВ, “Тараққиёт стратегияси” маркази лойиҳа координатори

Экспертларнинг фикрига кўра, ҳар қандай мамлакатнинг рақамли тараққиётига аҳолининг электрон ҳўжжатлар ва хизматларга бўлган ишончининг пастлиги, рақамли технологиялар соҳасида юқори малакали мутахассисларнинг етишмаслиги ҳамда рақамли лойиҳаларни давлат томонидан молиялаштиришнинг самарасизлиги ва етарли эмаслиги каби омиллар салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Бу борада Хитой тажрибасини алоҳида таъкидлаш керак. Хитой бошқа ривожланган мамлакатлар қаторида ўзининг катта инсон ва молиявий ресурслари билан рақамли иқтисодиётни давлат даражасида фаол тарғиб қилиш йўли билан инновацион куч ва технологиялар соҳасида етакчи давлат мавқеига даъво қилмоқда. Хитойда рақамлаштириш бугунги кунда миллий иқтисодий ривожланишнинг асосий омил-ли ҳисобланади.

Хитойда коронавирус инфекциясини жиловлashда ҳам рақамли технологиялардан сама-



Ифтихор



Тўрабек ШЕРМАТОВ, Тошкент шаҳридаги Президент мактаби директори:

— Президентимиз билдирган ишонч ва олдимизга қўйган катта мақсад таълим масканимизда хорижлик мутахассисларни, тажрибали педагогларни ва иқтидорли ўқувчиларни бirlаштирди. Йил якунлашиб бораётгани сайин ўқувчиларимизнинг бирин-кетин эришган ютуқларидан қалбимиз ҳам ҳаяжонга, ҳам қувончга тўлапти. 24 нафар йигит-қиз бу йил мустақил ҳаётга илк қадам қўяди. Таълимдаги янги босқич сифатида фаолиятини бошлаган Президент мактаблари — Ўзбекистони-мизнинг юзи, демак, бу юз ёруғ бўлиши керак. Мактабимиз ўқувчиларидан умидимиз катта. Биз ҳам, улар ҳам билдирилган ишонччи оқлашимиз шарт. Иқболжон Камолов, Анмария Андесон, Нигора Мухсинова, Ан Бейли, Шерзод Акҳужаев каби педагогларнинг меҳнати самараси ўлароқ, Фирдавс Абдуқаюмов, Темур Сулаймонов, Анвар Нормуродов каби ўқувчиларимиз юқори кўрсаткични қайд этди.

Табиатан камгап, масъулиятли, илмга чанқоқ ўқувчимиз Фирдавснинг натижалари жамоамизни жуда қувонтирди. Қолган ўқувчиларнинг жавобларини ҳам интиқлик билан кутяпмиз.

Куни кеча “Нито агепа” саройида илк марта ташкил этилган Ўзбекистон ёшлари форумида Президентимиз Шавкат Мирзиёев Фирдавс Абдуқаюмов IELTS дастури бўйича юқори балл тўплаб, АҚШнинг Жон Кэрролл университетидан тахсил олиш учун 96 минг долларлик грант соҳибига айланганини таъкидлар экан, “Фирдавс ўғлимни, унинг ота-онаси ва ўқитувчиларини чин дилдан табриклаб, уларга сикхат-саломатлик, янги ютуқлар тайланми” деди.

Фирдавс Абдуқаюмов пойтахтимиздаги 145-мактабда тахсил олган. 9-синфни битирган Тошкент шаҳридаги Президент мактабига ўқишга қабул қилинган.

Дунёда қобилиятсиз бола йўқ. Ҳар бир инсон алоҳида истеъдод билан туғилади. Фарзандининг қобилиятини сезиш ва шариоит яратиш эса ота-онанинг вазифаси. Агар қобилият ўз вақтида тарбиялансан,

Нихол умид билан экилади. Қаҳратон изғиринидан, саратон қуёшидан асралади. Вақтида сув берилади, қад ростлаши учун шох-шаббалари тартибга солинади. Инсон ҳам ниҳол каби: бўй чўзиб, кўкка интилиши учун шароит, имконият керак. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан фаолиятини бошлаган Президент мактаблари яратилган имкониятларга яраша кўп ўтмай илк медалларини бера бошлади. Бу мактаб ўқувчилари бирин-кетин хориждаги нуфузли университет талабалари бўлмоқда.

Яқинда Тошкент шаҳридаги Президент мактаби 11-синф ўқувчиси Фирдавс Абдуқаюмов АҚШнинг иккита нуфузли олий таълим муассасаси — Ксавье ва Жон Кэрролл университетларига грант асосида қабул қилингани ҳақида хушхабар тарқалди. Ксавье университети грант миқдори 89 минг доллар, Жон Кэрролл университети гранти эса 96 минг долларни ташкил этади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Фирдавснинг бу ютуғини муносиб баҳолаб, миннатдорлик рамзи сифатида ўз совғасини топширди. Давлат раҳбарининг бу эътирофи юртимиз ёшларидан ҳам ҳавас уйғотгани, юксак марралар сари чорлагани бор гап.

ЎЗБЕК ФАРЗАНДИ ДУНЁГА БЎЙЛАМОҚДА

тўғри йўналтирилса, самараси Фирдавс каби оила, маҳалла, миллат қаддини кўтарувчи, қудратини намоён этувчи ёшлар мисолида кўринади.

Наргиза ДУСАНОВА, Фирдавснинг онаси:

— Турмуш ўртоғим билан 3 нафар ўғилни тарбиялаб, вояга етказяпмиз. Катта ўғлим Тошкент давлат юридик университети талабаси. Кичкинамиз ҳали мактабда ўқийди. Фирдавсим — ўртанча фарзанд. Фарзандларимиз барча қатори бола бўлган. Ортиқча юкламасиз, ўйинга тўйиниб, ўз вақтида мультфильм ҳам кўриб улғайди. Телевизорга чалғиса, танбех берган пайтларимиз бўлган. Бироқ учаласи ҳам ҳали мактабгача таълим ёшидаоқ тартибли эди. Боғча опаларидан раҳмат эшитардик. Мактабда ҳам улар ортидан фақат яхши гаплар билан сийландик.

Фирдавс олти ёшга тўлганда кўшимча спорт машғулотларига борди, инглиз тилидан дарс олди. 4-синфда ўқийётганда инглиз тили фанидан олимпиадада қатнашиб, юқори натижа қайд этди. Математика фанига иштиёқи баландлиги боис 5-синфдан кўшимча шуғуллана бошлади. Президент мактабига қабул қилинганида жуда хурсанд бўлдик.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан Фирдавсга совға берилгани,

Фирдавс АБДУҚАЮМОВ:

— Президент мактабига келгунга қадар тенгдошларим қатори ўқидим. Инглиз тили ва математика фанларига иштиёқим баландлиги боис кўшимча шуғулландим. Президент мактабига келгач бундай шароитда фақат ўқиш кераклигини англадим. Айни пайтда 2 та нуфузли университетга грант ютдим. Бироқ, ҳал қилувчи натижа ҳали олдинда: 5-февраль куни АҚШнинг Синсиннати университетидан ҳам натижаларим келади. Нима бўлганда ҳам иқтисодиёт йўналиши бўйича тахсил олмақчиман. Келажакда Ўзбекистон тарққиётига муносиб улусимни кўшишни мақсад қилганман.

Бугун Фирдавс ва унинг синфдошлари ҳам зафар қучаётган умидли ёшлар кўп. Уларнинг сафи янада кенгайишига, юртимиз номини элларда, тилларда дoston қилишига шубҳа йўқ.

Башорат ЮНУСОВА “Янги Ўзбекистон” мухбири

Рағбат

253 НАФАР ТАЛАБАНИНГ БИР ЙИЛЛИК ТЎЛОВ-КОНТРАКТИ ТЎЛАБ БЕРИЛДИ



Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Бутун дунёни ташвиш ва хавотирга солаётган пандемия дунёда иссизлик, очлик, камбағаллик каби кўплаб глобал муаммоларни келтириб чиқараётганини барчамиз эшитиб, кўриб турибмиз.

Пандемия бизни ҳам четлаб ўтгани йўқ. Унга қарши тегишли чоралар кўрилиб, аҳоли ўртасида белгиланган тартиб-қоидаларга риоя этиш бўйича тушунтириш ишлари давом этмоқда. Айни пайтда мамлакатимизда Президентимиз раҳбарлигида боқувчисини йўқотган, ижтимоий ҳимояга муҳтож, “Темир дафтар”га киритилган оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Тошкент давлат аграр университети Нукус филиали талабаси Севара Тлеумуратованинг отаси корона-вирус пандемияси туфайли вафот этди. Шу боис, оила тўлов-контракт пулини тўлашга қийналиб қолди. Севаранинг онаси шундай мушкул вазиятда турганда, давлат томони-дан кўмак кўрсатилди, қизининг бир йиллик тўлов-контракт пули тўлаб берилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси Президиумининг жорий йил 14 декабрдаги қарори би-

лан 9 та олий таълим муассасасида тўлов-контракт асосида тахсил олаётган 253 нафар талабанинг 2020-2021 ўқув йилидаги 1 миллиард 546,2 миллион сўмлик тўлов-шартнома пули тўлаб берилди.

Уч кун олдин Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгесида ушбу талабаларга тўлов-контракт пуллари тўлаб берилганлиги ҳақидаги сертификатларни топширишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Тадбирда Жўқорги Кенгеси Раиси Мурат Камалов йиғилганларни яқинлашиб келаётган янги йил байрами билан табриклаб, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларга шарт-шароит яратиш борасида амалга оширилаётган кенг қўлманд ишларга тўхталиб ва талабаларга сертификатларни тантанали равишда топширди.

Йиғилишда сўзга чиққан ёшлар кўрсатилаётган гамхўрлик учун ўз миннатдорликларини билдирди.

Ҳуқуқ



Сардорбек ЮСУПОВ, ТДЮ кафедра mudiri, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори

Бундан 28 йил аввал қабул қилинган Конституциямизда инсон ва унинг манфаатлари том маънода олий қадрият этиб белгиланган. Умумбашарий қадриятлар, халқаро андозаларни ўзида мужжасам этган ҳужжатнинг ҳар бир моддаси инсон ом依лидан куч олади.

Бугунги кунда ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган инсонпарварлик сиёсатининг моҳияти турмуш тарзи-мизнинг барча жабҳаларини тубдан яхшилаш, инсонлар ҳаётининг бугуни ва эртасини обод этишда Асосий қонун муштаҳам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугунги пандемия шароитида инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш кечиктириб бўлмас вазифа эканлиги исботталаб қилмас ҳақиқатга айланди. Глобал миқёсда халқаро ёрдам ва ҳамкорликни амалга ошириш бўйича изчилликнинг бузилиши кўплаб мамлакатларда иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларнинг чекланиши,

ШАХС, ЖАМИЯТ ВА ДАВЛАТ МУНОСАБАТЛАРИНИ ШАФФОФЛАШТИРИШ — ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

шу билан бирга айрим давлатлар аҳолисининг зарур озиқ-овқат ва дори-дармон воситалари билан узлуксиз таъминлашдаги жиддий узилишлар юзга келаётганлиги сир эмас.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг туб мазмун-моҳияти инсон ва унинг манфаатларини таъминлашга қаратилган. Бош қомусимизнинг 30 дан ортиқ моддалари бевосита инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига бағишланган бўлиб, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг фундаментал принциплари сингдирилган.

Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилиши, давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулиги тўғрисидаги конституциявий норма давлатнинг инсон ҳуқуқлари бўйича масъулиятини яққол кўрсатиб беради. Бугунги кунда ҳар бир давлат хизматчисининг шioriга айланиб улгурган “Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халққа хизмат қилиши керак”лиги юқорида келтирилган принципга тўла мос келади.

Конституциямиз шахс, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларда ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳамда уларнинг кафолатларини аниқ-равшан белгилаб берган. Бошқача айтганда, Бош қомусимиз ушбу учта субъект ўртасидаги муносабатларда ҳуқуқ устуворлигини таъминлашнинг асосий омили ҳисобланади.

Коронавирус пандемияси даври давлат ва жамоат манфаатлари йўлида фуқароларнинг жамият ва давлат ишлари-рини бошқаришда иштирокини рақамли технологиялар ёрдамида замонавийлаштириб бориш муҳим аҳамиятга эга эканлигини яна бир бор тасдиқлади. Конституция билан кафолатланган ҳуқуқ ҳамда эркинликларни таъминлаш мақсадида давлат бошқаруви тизими бюрократиядан холи қилиш ва фуқароларга янада енгиллик яратиш долзарб масала ҳисобланади.

АҚШ, Германия, Франция каби илғор хорижий давлатлар тажрибасидан маълумки, давлат бошқарувида рақамли



интеграцияни тўғри йўлга қўйилганлиги давлат бюджет маблағларини иқтисод қилишга олиб келади. Ўз навбатида рақамли иқтисодиётнинг ялпи ички маҳсулотдаги ўрни ошиб боришига сабаб бўлади, бу, албатта, очиклик ва шаффофлиқни таъминлаган ҳолда коррупциянинг олдини олади.

Бу борада, 2019 йил 9 декабрдаги “Бюрократик тўсиқларни янада қисқартириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига замонавий бошқарув тамойилларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори муҳим қадам бўлди.

Қарор билан 2020 йил 1 январдан бошлаб давлат органлари ва ташкилотлари фуқаролардан 28 турдаги ҳужжатларни талаб қилиши ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан уларни бериш амалиёти бекор қилинди. Шунингдек, фаолияти самарасиз деб топилган 29 та идораларо коллегиал органлар тугатилди. Бундан ташқари, давлат органларини ҳам узоқ йиллардан буён қийнаб келган муаммолардан бири — давлат органларида ҳужжат айланиши ва ҳисоботларни юритиш 2021 йил 1 январдан фақат электрон қўринишда шакллантириладиган ва амалга оширилаётган бўлди.

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ КОНСТИТУЦИОНАЛИЗМИНГ МУҲИМ ОМИЛИМИ

Яна бир муҳим масала жамоатчилик назорати тизими ҳисобланади. Биз бугун Конституция ва қонун устуворлигига эришишда жамоатчилик назоратидан кўра самарали восита йўқлигини теран ҳис этдик. Комил ишонч билан айтиш мумкинки, халқимизнинг онгу-шуури ўзгарди, бошқача айтганда халқимиз том маънода уйғонди. Халқимиз қонун бузилишига қарши қаттиқ турмаса қонун устуворлигини таъминлаш қийин бўлишини англаб этди.

Аммо, бугунги кунда аҳолининг давлат ва жамият ишларини бошқаришдаги иштироки кўламини кенгайтириш, сўз эркинлигини таъминлаш, шахс — жамият — давлат ўртасида самарали яқин ҳамкорликни ўрнатиш, жамоатчилик назоратига оид яхлит механизмни шакллантириш долзарб масала ҳисобланади.

Фуқаролик жамиятини шакллантириш мониторинги бўйича мустақил институт тадқиқотларига кўра, кейинги 4 йил давомида сўров ўтказилган нодавлат нотихорат ташкилотларининг 72 фоизда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

лойиҳалари жамоатчилик муҳокама-сида иштирок этган. 4,6 миллион нафардан кўпроқ одам ННТнинг иш билан бандлиқни таъминлаш, ёшлар ва аёлларга ахборот, услубий, таълим ва бошқа хизматларидан фойдаланган.

Президентимизнинг жорий йил 16 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатасини ташкил этиш тўғрисида”ги фармони халқни рози қилишга қаратилган ишларни тизимлаштириш ҳамда давлат ва жамоатчиликнинг самарали ҳамкорлигини йўлга қўйишда муҳим ҳуқуқий қадам бўлди.

Эндиликда Жамоатчилик палатаси мамлакатимиз тараққиёти ҳамда халқимизнинг фаровонлиги йўлида мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш, давлат ва жамоатчилик ўртасида энг мақбул мулоқотни йўлга қўяди. Бошқача айтганда, жамоатчилик ва давлат ўртасида ўзига хос бирлаштирувчи “кўприк” вазифасини ўтайди.

КАМБАҒАЛЛИККА ҚАРШИ КУРАШ — УСТУВОР МАСАЛА

Бош Қомусимиз муқаддимасида Ўзбекистон халқи номидан ўзининг мухтор вакиллари сиймосида фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечирishларини таъминлашга алоҳида урғу берилган.

Жорий йилнинг бошида Президентимизнинг Мурожаатномасида узоқ йиллардан буён ёпик мавзу бўлиб келган камбағаллиқни қисқартириш муаммосини ҳал этиш устувор йўналиш сифатида белгилаб олинган эди.

Бу муаммо пандемия шароитида янада долзарб аҳамият касб этгани сир эмас. Боиси, пандемия даврида фуқароларнинг даромад манбаини йўқотди. Карантин чекловлари ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг бирламчи эҳтиёжларини қондириш масаласини кўндаланг қилиб қўйди. Иш ўринларининг вақтинчалик қисқартирилиши бошқа бир қатор давлатларда бўлгани каби мамлакатимизда ҳам бирмунча қийна-либ яшаб келаётган ижтимоий кўмакка

муҳтож аҳолининг турмуш даражасига ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қисмини қўллаб-қувватлаш борасида уйма-уй юриб аҳоли муаммоларини ўрганиш тизими йўлга қўйилиши натижасида 2,5 миллиондан зиёд аъзоси бўлган 590 мингдан ортиқ оилани қўллаб-қувватлаш учун 840 миллиард сўм маблағ ажратилди. Бу борада, янги тизимнинг асосий мақсади ҳар бир инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини, саломатлиги ва фаровонлигини таъминлайдиган механизм, таъбир жоиз бўлса, жамиятнинг бирорта аъзосини эътибор-сиз қолдирмасликка қаратилган.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 13 октябрдаги “Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори камбағаллиқни қисқартириш ва тадбиркорликни ривожлантириш, фуқароларнинг эртага эмас, бугун ҳаётдан рози бўлиб яшашида навбатдаги муҳим қадам бўлди.

Унга мувофиқ, 2020 йил 15 ноябрдан бошлаб ёшлар ва хотин-қизларни касб-хунар ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитишда давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг тартиби амалга киритилади.

Бир сўз билан айтганда, янги Ўзбекистонда инсон ва унинг манфаатлари олий қадрият тамойили асосида амалга оширилаётган ислохотлар Асосий қонунимиз билан белгилаб берилган шахс — жамият — давлатга оид нормаларга ҳаётий куч бағишламоқда.



28 декабрь —
Эркин Воҳидов таваллуд топган кун

Акмал САЙИД,
Қашқадарё вилояти Гузор тумани

Дўрмонга келганимнинг тўртинчи куни. Нимагадир боғни ёлғиз айлангим келди. Пастга тушдим. Бинонинг орқа томонига таваккал йўл солдим. Атрофим не-не буюк зотларни кўрган ва уларга илҳом манбаи бўлган, соя-салқин ерларида ором олган, самоларга бўйлашиб ётган ўша оққайинлар, мажнунтоллар ва азим чинорлар эпкинлардан сирли чайқалиб, худди менга салом бериб, яна битта меҳмонига мезбонлик қилаётгандай.

“Ой тўлган тунда” киссалар ва шеърлар тўпламимни олиб, оёқларим остидаги қовжираб қолган баргхазонларни бир-бир босиб, боғ ичи йўлаклари томон илгариларман. Не кўз билан кўрайки, қаршимда Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов ва ёнида яна бир кишига кўзим тушди. Бутун вужудимни ҳаяжон қоплади. Улар мен томонга тўғри келардилар.

— Ассалому алайкум, дўстим! — деди Эркин ака ўша мен телевизорда кўрган истарали қиёфада ва ёқимли овозда.

ДЎРМОНДА
КЕЧГАН ЎН КУН



Мен улардан аввал салом беришга улгурол-маганимдан ўзимни койидим. Бўлар иш бўлган-ди.

— Ассалому алайкум, устоз! — дедим баттар ҳаяжонланиб.

— Хуш келибсиз! Қани марҳамат! — деди катта чинор остидаги ўриндиққа бошларкан.

Эркин ака баланд бўйли, оқувадан келган, юзларидан ҳамиша нур балқиб турадиган, сочлари анчайин оқариб қолган, қадамларида ҳам ўзига хос улғуворлик касб этиб турадиган инсон эканини, кўрганда ҳар қандай кишини ўзига ром этар, ўзининг ширин суҳбатига, бекиёс билимга, бениҳоя тафаккурга эга экани билан бошқалардан тамоман ажралиб турарди. Буюк инсонлар одатда оддий ва камтар бўлади, деганларида, тўғриси, ишонмагандим. Эркин акани кўрдим-у, бир-икки суҳбатидан сўнг мен у кишига тўла тан бердим, ишондим!

— Қандай, ука, яхши дам олясизми? — деди майин, аммо кўнوک овозда ҳалиги танимаган кишим.

— Бир навл! Кўникишим қийин бўлаётганди, мана, сизларни учратдим. Энди зерикмасам керак, — дедим мен.

— Бу кишини ҳам танийсизми? Дадахон Нурий бўладилар, — деди устоз ёнидаги инсонга ишора қилиб...

Ҳалиги киши бош ирғаб қўйди. Учаламиз файзли оқшом қўланкалари остида у ёқдан-бу ёқдан гаплашдик. Табиийки, суҳбатимиз нишаби адабиётга бориб тақаларди. Устоз гап асосида Фузулийнинг бир ғазали ҳақида узоқ тўттал-ди. Ғазални шундай ўйноқи оҳангда, ифодали тарзда айтдики, мен лол қолган эдим.

— Ғазал тўғридан-тўғри бармоқ вазндаги шеър каби ўқилмайдми. Ҳар бир ғазалнинг ўз йўл-йўриги ва маъно юки бор. Агар ҳозир Мавлоно Фузулий тирилиб келсаю, айрим адабиётчиларимиз ифода этаётган ғазалларни зшит-салар борми, биздан астойдил хафа бўлишлари турган гап! Бу расволикка чидаммаган бўларди. Фузулий ғазалларининг дарди-озори, мусиқий оҳанги борки, ўнгини кишида ўша давр руҳини иккишюф этади, бўй-баста билан кўрсатади. Озар халқининг дарди ҳам, ғаму ташвишлари ҳам ана шу оҳангда, ана шу мусиқийликда ва, айниқса, шоирнинг руҳий олами мисралардан мисраларга кўчиб юришида акс этади. Мана, эшитинг-а:

Жон вермагами ишқа-ки ишқ офатижондир,
Ишқ офатижон ўлдиғи машхури жаҳондир...

Аслида шарқ адабиётда ҳар бир ғазалнинг мана шундай ўз сеҳри, оҳангию ўз қироати бор. Бироқ аксар инсонлар бундан беҳабар.

Мавлоно Фузулийнинг ушбу ғазали устоз мисраларида ўзгача оҳангрангини топгандики, одамнинг вужуд-вужудида тебранишлар, титроқлар, эҳтирослар ҳосил қилиб ва ўзга оламга сармаст етаклаб бораётгандай, ақлу ҳушини олар даражадаги илоҳий бир куч борлигини ҳис қилиш мумкин. Бунда Мавлоно Фузулийнинг сўзсизки, зақсию даҳосига тан бермай илож қолмайдми.

Ўша куни кечки пайт устознинг олдиларига йўқлаб бордим. Хона эшигини тақиллатдим...

— Кирсинлар! — деди кимдир ичкаридан кўтарилаётган гала-гову овозлар остида.

Мен бўй кўрсатдим.

— Акмалжон, келинг, келинг! Зап келдингиз, қани, марҳамат! — устоз ҳурмат маъносидда ўр-нидан туриб ёнидан жой кўрсатди.

— Акмалжон, ҳали бу ер кўп асарлар ёзи-шингизга хамиртуруш бўлади. Мен ҳам “Ёшлик”



девоинишга шу ерда тартиб берганман. Дево-нинг аксар шеърлари шу ерда туғилган, — деди устоз пиёладаги чойдан ҳўпларкан. Сўнг бир нараса ёдига тушиб қолгандек, “Пиёла ва чойнак ҳақдаги “Камтарлик” шеъри ҳам шу ерда ёзил-ган”, деди пиёлага ишорат қиларкан.

Чоғроқ стол атрофида устоз билан каминани ҳисоблаганда саккиз чоғли киши эдик. Суҳбат адабиёт ҳақида кетарди. Аниқки, илғорлиқни устоз кўлдан бермас-ди. Зақий илми, ҳикматли ибора-ларга бой ҳар бир гапи қолганлар-ни ўз сеҳрига олаётганди.

... Бир куни дам олаётган хо-намиз деразаси остидан бола-ларнинг қий-чув овозлари келди. Секим мўраладим. Болалар боғни бошларига кўтариб, у ёқдан-бу ёққа югурарди. Аҳён-аҳён ўқи-тувчининг хай-ҳайлаши уларни тартибга солиб турар, қилларга-дир дашмон берар, яна қайлар-дандир, пастдан кимнингдир қой-ишлари эшитилиб қолар, лекин шундай бўлса-да, бола — бола-да, уларнинг овозларини бир муддат жиловлаб бўлмасди. Қизиқиб пастга тушдим. Қарасам, улар устоз Эркин акани кўраб турарди. Ҳар бирининг қўлида дастхат ёздирш учун нимадир бор: кимда усто-знинг янги китоби, бошқасида яна кимнингдир китоби, кимда дафтар ва кимда эса қуруқ ва-рақнинг ўзи... Устоз ҳаммасига улғуряпти. Барақ узатган болага келганда:

— Ўғлим, бу барақ қаердадир қолиб кетади, барибир уни ташлаб юборасиз, — деди муло-йимлик билан ва айнаи дам бола кўнглига ҳам

озор етказмай.

— Йўқ, устоз, онамга кўрсатаман! — деди чувак юзли ўспирин.

— Дадахон, қўлингиздаги китобни бера оласизми, ҳозирча сизга бошқа кит-об беришдан қарздор бўлиб турай! — деди Эркин ака ширинсуханлик билан.

Дадахон ака устознинг ўзи берган ки-тобини шовиб узатди. Устоз унга ўз даст-хатини қўйиб:

— Мана, ўғлим, онангиз ва отангизга мендан совға! — деди ўша мулойимлиги-ни зарра йўқотмай.

— Отам вафот этган, оиламизда онам, синглим ва мен... — жавоб қилди бола кўзларини пирпиратиб.

Устоз бир сўз деёлмади. Чамаси, шу тобда, ўз болалиги — етимлиқнинг алғов-далғов дамлари бир муддат ёдига туш-гандир. Фавқулодда бостириб келган ғамданми, ё ўзининг болалигини эслатиб юборган ҳалиги ўспирин боладанми, ё бўлмаса, бўлақча изти-робданми, билмадим, ҳайтовур, устознинг кўз-ларида милтиллаган нималарнидир пайқаган-дай бўлдим. Устоз боғни боланинг елкаларига ҳорғин кўпларини қўйиб, оталарча меҳр билан:

— Ўғлим, ўтмаган кун йўқ, ҳаммаси яхши бўлади. Фақат яхши ўқинг, ана шунда отангизни рози қилган бўласиз. Мендан онангизга салом денг, — деди ўта самимий оҳангда.

— Хўп, раҳмат! — деди ҳалиги ўспирин қўл-ларида устознинг китобини ўзгача завку шавқ билан олиб узоқлашаркан.

Кейин билсам, буларнинг барчаси адаби-ёт ихлосмандлари экан. Ҳар ой бир маротаба устозни йўқлаб турадиган одатлари борлигини тушундим. Буни қаранки, устоз қаерда бўлса ҳам изларидан топиб келишаркан. Ана, ўша кун болалар учун ҳам, устоз учун ҳам байрамга ай-ланар экан!

Ҳар гал устозни йўқлаб борсам, ёзув сто-ли олдида ёки зўр мутолаа устида учратаман. Гоҳо кунлар уззукун хонага кирмайди, хонаси очик бўлгани билан ўзи кўринмай қолади. Би-ламиники, устоз қайсидир анжуманда ёки бошқа бир йигинда ёҳуд қайсидир дўсти, оғайниси-нинг тўю маъракасида бўлади. Бир кун ҳам хонасида эркин бўлганини учратмаганман. Анжироқ айтганда, устоз доимо эл орасида... Шу қисқа кунлар ичида устоздан кўп нарсани ўргандим. Айниқса, ёзиш йўлларига, мутолаа ва шеър қироати сирларини чуқурроқ билдим. Мен адабиёт деб юрганим ўн-ўн бештача кит-об бошқаю, адабиётнинг уммонига чуқурроқ сузиб бориб, у ердан битмаса-туганмаса ҳазинаю ганжиналар топганим, тафаккурим олами-га олиб кирганим ёки ҳақ йўлида маънан унинг борлигини англаганим ҳақиқий адабиёт экани-ни ҳис қилдим.

Дўрмонда буюк шоиримиз билан учрашув, суҳбатлар бир умр ўчмас хотира бўлиб қолди.

Эркин Воҳидовнинг бебаҳо маънавий ме-ро-си ҳар бир хонадоннинг, оила ва дўстлар дав-раларида, катта-катта йигинларда шеър бўлиб жаранглайверади, қўшиқ бўлиб қуйланаверади. Маънавият чироғи бўлиб абадий порлаб тура-веради.

Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан бошланади

Агар масалага чуқурроқ қарайдиган бўлсак, эртага мана шундай ёшлар туман ёки шаҳарнинг “олтин фонди”га айланади ва улар шу ҳудуднинг обрўсини юксалтиришга хизмат қилади. Шунинг учун ҳар қайси туман ва шаҳар ҳокимига 10-15 нафар мана шундай истеъдодли ёшларни саралаб, уларни ҳар томонлама тарбиялаш ва мунтазам рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш вазифаси топширилади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президентини

“ОЛТИН ФОНД” ДАФТАРИ

Жиззах вилоятида унга киритилиши мумкин бўлган
600 нафарга яқин йигит-қизнинг рўйхати шакллантирилди



Худойберди КАРИМОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Юртбошимиз раҳнамолигида навқирон авлодни ҳар томонлама комил инсонлар қилиб тарбиялаш, бунинг учун ёшларга барча шарт-шароитларни яратиб бериш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Таҳсилнинг барча босқичи — мактабгача таълим, умумтаълим, профессионал ва олий таълим тизимлари шаклан ва мазмунан янгиланиб, уларнинг узвийлиги таъминланяпти, сифат даражаси юксалаяпти.

Давлатимиз раҳбари шу йилнинг 10 сентябрь куни Тош-кент шаҳридаги Президент мактабига таширф буюрди ва бу ерда яратилган шароитлар билан танишди, таълим масканининг “қалдирғоч” ўқувчилари билан суҳбатлашди. Ана шу самимий суҳбат чоғида: “Сизларни шундай нуфузли мактабга муносиб бўлганингиз билан чин юрагим-дан табриклайман. Ёшларимиз орасидан Хоразмийлар, Ибн Синолар, Улугбеклар чиқишига барча асосларимиз бор... Сизлар билимнингиз, юриш-туришингиз, ватанпар-варлигингиз билан ҳамма ёшларга намуна бўлишингиз керак. Келгусида Ўзбекистон тараққиётига таъсир кўр-сатадиган куч бўласизлар. Сиз энди Ўзбекистоннинг “Олтин фонди”сиз” — дея ўқувчи ёшларни қутлаб, кўнгли-ларини кўтарди, катта ишонч билдирди.

— Президентимизнинг бу сўзлари, умуман, ёшлари-мизга қаратаётган алоҳида эътибори ҳаммамизни фаол-ликка, ислохот ва янгилликларга қўл уришга ундади, — дей-ди Жиззах вилояти ҳокими ўринбосари Фурқат Журақулов. — Айниқса, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ортда қолаётган шу йилнинг ўзида ҳаётга таътиб қилинган, маз-мун-моҳиятида ёшлар, уларни ҳар томонлама қўллаб-қув-ватлаш масаласи ҳам катта ўрин тутган “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари”, “Аёллар дафтари” шакллантирилиб, эришялаётган иқобий натижалар бизни янги ташаббуслар билан чиқишга руҳлантирди.

Маълумки, шу йилнинг 30 октябрь куни Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселектор мажлисида мамла-катимиз таълим-тарбия тизимини янада ривожлантириш, таълим сифати ва самарадорлигини ошириш, унинг узвий-лиги ва узлуксизлигини таъминлаш ҳамда ўқитувчи-мураб-билигларнинг мавқеи, обрў-эътиборини оширишнинг дол-зарб масалалари муҳокама қилинди. Биз учун аҳамиятли томони эса, ўша йилгилида тахлил этилган масалалар бўйича қабул қилинган қарорнинг иккита бандида “Жиззах тажрибаси” олибрас тилга олиб ўтилди.

Жумладан, қарорнинг 26-бандида 2021 йилдан бош-лаб Жиззах давлат педагогика институти салоҳиятидан фойдаланилган ҳолда, вилоятдаги мактаб ўқувчиларига психологик таълим қўйиш орқали касбга йўналтириш бўйича Жиззах тажрибасини намуна сифатида ташкил қилиш вазифаси белгилан берилди. Ҳужжатнинг 29-бан-дида эса Жиззах вилояти тажрибаси сифатида халқ таълими, профессионал таълим, олий таълим тизимида аъло баҳоларга ўқитган намунали хулқ, креатив фикр-лаш ва келажакда юқори марраларни эгаллашни мақсад қилган иқтидорли ёшларни аниқлаш, саралаш, уларнинг келгуси тақдир, орзу-ниятларининг амалга ошишига кўмаклашиши мақсадида “Олтин фонд” дафтари тажри-басини амалиётга таътиб этиш зарурлиги қайд қилиб ўтилди.

— Бугунги кунда жамяят ҳаётининг барча жаҳбасида, энг аввало, таълим муассасаларида амалиётчи психо-логларнинг ўрни катта. Чунки ёшларни ҳар жиҳатдан ўз иқтидорларини намоён этишларига кўмаклашиш, юксак маънавий фазилатларини намоён этишлари ва турли сал-бий иллатларга қарши иммунитет ҳосил қилишлари учун малакали психологларнинг ёрдами керак, — дейди Жиз-зах давлат педагогика институтининг мактаб менежмен-ти кафедраси мудири, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори Тўйчи Аҳмедов. — Шу боисдан бизнинг олийгоҳ томонидан вилоятдаги мактаб ўқувчиларига психологик таълим қўйиш орқали касбга йўналтириш бўйича Жиззах тажрибасини шакллантириш ҳамда психология таълим йўналишида олий таълим муассасаларининг 3-курсидан бошлаб дуал таълим тизимини амалиётга жорий қи-лиш бўйича тақлифлар илгари сурилди. Бугунги кунда

2020-2021 ўқув йилининг охиригача тажриба-синов ишла-рини олиб бориш учун вилоятдаги 20 та умумтаълим мак-таби танлаб олинган бўлиб, уларда замонавий усул ва методикаларни қўллаган ҳолда психологик таълимлаш ишларини олиб бориш учун тизимли ишлар йўлга қўйилди.

Маълумки, дуал таълимда таҳсилнинг назарий қисми таълим-тарбия муассасасида, амалий машғулотлар эса корхонада ўтказилади. Ҳозиргача дуал таълим фақат ишлаб чиқариш корхоналарига мутахассис тайёрловчи таълим муассасаларида таътиб этилган, энди эса бундай амалиёт психология таълим йўналишида ҳам илк бор си-новдан ўтмоқда. Ваҳоланки, психология таълим йўналиши-да тахсил олган мутахассислар деярли ҳамма таъшилотда ишлаши мумкин. Шу жиҳат эътиборга олиниб, олий таълим муассасаларининг психология таълим йўналишида ҳам дуал таълимни жорий этиш мақсада мувофиқ, деган ҳўло-сага келинди. Бу тажриба Жиззах давлат педагогика ин-ститутида 2020-2021 ўқув йилида вилоятдаги умумтаълим мактабларида ўриндошлик асосида психолог бўлиб ишла-ётган 14 нафар талаба мисолида синиб кўрилатири.

Таъкидлаш жоизки, бу ишларни амалга ошириш учун институт қошида касбга йўналтириш маркази ташкил этилди. Мазкур марказ зиммасига психологик таълим қў-йиш орқали олиб бориладиган илмий-методик жараёни мувофиқлаштириб бориш вазифаси юкланди.

Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселектор мажлисида яна бир муҳим масала — “Олтин фонд” дафтра-рини шакллантириш ҳақида сўз борди.

— “Олтин фонд” дафтари умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари, профессоронал ва олий таълим тизимида тахсил олаётган аълочи ва иқтидорли ёшлардан шакллантирилади, — дейди вилоят ҳокими ўринбосари Фурқат Журақулов. — Бунда, асосан, қишлоқ ва маҳал-лалардаги ўз олдида юқори марраларни қўлга киритишни мақсад қилган, билимга қанқоқ, аммо турли объектив ва субъектив сабабларга қўра, олий ўқув қортолари талабаси бўла олмаётган ёшларга эътибор қаратилади.

Шунингдек, “Темир дафтар”га киритилган эҳтижманд оилаларнинг олийгоҳларда таълим олаётган иқтидорли, илм-фанга қизиқиши юқори фарзандлари, фан олимпиа-далари ва нуфузли танловлар қолиби бўлган, маданият, санъат ва спорт соҳаларида юқори натижаларга эриш-ган, тадбиркорлик, аграр соҳа ривожига оид инноваци-он ғоя ва лойиҳаларни мавжуд, аммо бу борадаги имко-ниятларини намоён этишда қўйналмаётган ёшларга ҳам “Олтин фонд” дафтари рўйхатига киритилишида енгил-ликлар берилади.

— Вилоятимиз ҳокими қарори билан “Олтин фонд” дафтарида амалиётга таътиб этиш юзасидан вилоят ишчи гуруҳи тузилди, — дейди Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси бошлиғи Дилмурод Худойшўкуров. — Гуруҳ зиммасига мутасадди бошқарма ва ташкилотлар билан биргаликда икки ҳафта муддатда “Олтин фонд” дафтра-рини амалиётга таътиб этиш юзасидан намунавий Низом лойиҳасини ишлаб чиқиш ва тасдиққа киритиш юклатилди. “Олтин фонд” дафтарида киритиладиган ёшларни маъна-вий, моддий ва молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида бошқармани қошида “Олтин фонд” жамғармаси ташкил этилади. Энг муҳими, бу борада амалга оширилган ишлар вилоят раҳбариятининг доимий эътиборида туради, жум-ладан, ҳар чоракда халқ депутатлари вилоят Кенгаши сес-сияси муҳокамасига киритиб борилади.

— “Олтин фонд” дафтарида киритилган ёшларнинг фан-таълим, тадбиркорлик, санъат, спорт ва бошқа соҳа-ларда эришган ютуқларини маҳаллий ҳамда республика оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиб бориш бизнинг зиммамизда, — дейди Ўзбекистон Журналистлари иқидий уюмчаси вилоят бўлими раиси Эркин Шерманов.

— Ҳозирдақоқ вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари-нинг наурларига, МТРКнинг вилоят ташкилотига мақола ва чиқишлар, қўрсатув ва эшиттирилган тайёрлаб, эълон қилиш ишлари бошлаб юборилди.

Бугунги кўнча Жиззах вилоятида янгидан ташкил топаётган “Олтин дафтар” фондига киритилиши мумкин бўлган 600 нафарга яқин йигит-қизнинг рўйхати шакллан-тирилди. Уларнинг сон янада қўпайиши мўқаррар. Шу билан бирга, ушбу рўйхатнинг шафдофлик тамоилии асосида, одилона ва ҳаққоний тузилиши, унга чинакам муносиб ёшларнинг киритилишига эришиш ҳам муҳим ма-сала. Зеро, шундан кейин ушбу ёшлар вилоят ҳокимлиги, давлат ва жамоат ташкилотлари, эртанги кўнимизга бе-фарқ бўлмаган минглаб турли мавқедаги ҳамюртларимиз диққат-эътиборида бўлади. Уларнинг юғларни, лойиҳала-рию ишланмалари “Олтин фонд” жамғармаси томонидан рағбатлантирилиб борилади.